



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БУТУНЖАҲОН КЎЧМАНЧИЛАР ҲАММАНДАРИИГА ОЧИЛИШ МАРОСИМИДА ИШТИРОК ЭТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев амалий ташриф билан Қозоғистон пойтахтига келди.



Остона халқаро аэропортида давлатимиз раҳбарини Қозоғистон Республикаси Бош вазири Олжас Бектенов ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Шу кунги Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Остона шаҳрида V Бутунжаҳон кўчманчилар Ҳаммандариига очилиш маросимида иштирок этди.

“Остона арена”да бўлиб ўтган тадбирда Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов, Татаристон Раиси Рустам Минниханов ва бошқа хорижий меҳмонлар ҳам қатнашди.

Мусобақада дунёнинг 90 га яқин давлатдан 2 мингдан ортиқ спортчи, жумладан, Ўзбекистон вакиллари иштирок этмоқда. Ҳамюртларимиз кураш, алиш, арқон тортиш, камондан ўқ отиш, пойга, паҳлавонлар беллашуви каби йўналишларда куч синашди.

Иштирокчиларга кўчманчи халқларнинг бой маданияти ва тарихи, анъана ва урф-одатларига бағишланган театрлаштирилган томошаси намойиш этилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қозоғистон Республикасига амалий ташрифи якунланди.

ЎЗА

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ПАРАЛИМПИА ҒОЛИБЛАРИНИ ТАБРИКЛАДИ

Париж Паралимпиадасида қатнашаётган Ўзбекистон делегацияси ҳисобидаги олтин медаллар сонини 10 тага етказиб, тарихдаги энг яхши натижасини янгилади. Ўз ютуқлари билан ушбу юксак галабага ҳисса қўшган энгил атлетикачиларимиз Нурхон Қурбонова ва Толиббой Йўлдошев билан Президентимиз Шавкат Мирзиёев телефон орқали суҳбатлашди ва уларни дилдан табриклади.

— Мунтазам фаолиятингни кузатиб бораман. Олимпия шаҳарчасида қурилишни бошлаганимизда “Паралимпиададан олтин билан келаман”, деган ёқимли сўзларинг эсимда. Бу нимадан

далолат? Тинимсиз ҳаракат, иродали интилишларинг билан тобора ўсиб бораёсан. Берган ваъдангни ортиги билан бажардинг, — дея давлатимиз раҳбари бир йўла жаҳон рекордини ўрнатган ва

уни яна янгилаган Нурхон Қурбоновани табриклади.

— Бир неча кун олдин ядро улоқтириш бўйича бронза медалини олган эдинг. Икки спорт тури бўйича иккита юксак

натижа — бу чинакам жасорат. Бу ютуқлар машаққатли меҳнатларинг, тинимсиз машқларинг, тўплаган бой маҳоратинг мевасидир, — деди Президентимиз Толиббой Йўлдошев билан суҳбатда.

Чемпион паралимпиячиларимиз бу ютуқлар ўз-ўзидан бўлмагани, давлатимиз раҳбарининг паралимпия ҳаракатига қаратаётган эътибори ва ишончи туфайли эришилётганини таъкидлаб, ўз номидан, мураббийлари ва ота-онаси номидан миннатдорлик билдирди.

ЎЗА



ёхуд Ўзбекистоннинг иқлим ўзгаришларига қарши курашиш тажрибаси жаҳон ҳамжамияти диққат эътиборида

БМТ Бош Ассамблеяси Ўзбекистоннинг яна бир ташаббуси — “Деградацияга учраган ва қургўқ ҳудудларда барқарор ўрмонзорларни барпо этиш, дароҳт экиш ва уларни тарғиб қилиш — экологик муаммоларга қарши курашнинг самарали ечим” резолюциясини бир овоздан қабул қилди.

Эътироф этиш жоизки, мазкур резолюция Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда ҳаётга татбиқ этилаётган, шаҳар ва қишлоқ ҳудудларини қўқаламзорлаштириш орқали биохилма-хилликни сақлаш ва тиклашга қаратилган “Яшил макон” умуммиллий дастури концепцияси асосида ишлаб чиқилган. Ҳужжатда давлатимиз раҳбарининг БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессияси ва БМТ иқлим бўйича 28-конференциясида билдирган асосий тақлифлари ўз ифодасини топган.

Резолюция қабул қилиниши билан боғлиқ жиҳат кейинги кунларда нафақат мамлакатимиз, балки дунё жамоатчилиги, халқаро экспертлар томонидан кенг эъти-

роф этилмоқда. Ҳўш, унинг муҳимлик томони нимада, инсоният учун қандай аҳамияти бор?

Маълумки, бугунги кунга келиб, иқлим ўзгариши ва у келтириб чиқараётган инсон саломатлиги, озиқ-овқат хавфсизлиги каби турли хатарлар дунёнинг глобал муаммоларидан бирига айланди. Жумладан, юқори саноатлашув шароитида атмосферада зарарли газлар миқдори кўпайиб, бир қанча экологик муаммоларни келтириб чиқармоқда. Сув тақчиллиги, ер шўрланиши, ҳавога чанг тўзон кўтарилиши янгидан-янги экологик таҳдидларни пайдо қилмоқда.

Давоми 3-бетда



ХАЛҚАРО ТЎҚИМАЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ВА ХАЛҚАРО КИЙИМ-КЕЧАК ФЕДЕРАЦИЯСИНING ҚЎШМА КОНФЕРЕНЦИЯСИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Хурматли конференция қатнашчилари! Хонимлар ва жаноблар!

Авалло, сиз, азизларни бугунги нуфузли анжуман — Халқаро тўқимачилик ишлаб чиқарувчилари федерацияси ва Халқаро кийим-кечак федерациясининг қўшма конференцияси очилиши билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ушбу қўшма конференция Ўзбекистонда илк бор ўтказилаётгани учун Халқаро тўқимачилик ишлаб чиқарувчилари федерацияси президенти Кей Ви Шринавасан ва Халқаро кийим-кечак федерацияси президенти Чем Алтан жанобларига алоҳида миннатдорчилик билдираман.

Мазкур анжуманда қатнашаётган соҳанинг юқори мартабали вакиллари, нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарларига ҳам ташаккур изҳор этаман.

Қадимий буюк ипак йўли дурдонаси, уста хунармандлар юрти бўлган азим Самарқанд шаҳрига хуш келибсиз!

Хурматли конференция иштирокчилари!

Биз кейинги йилларда мамлакатимизда инвестиция ва бизнес муҳитини тўбдан яхшилаш, хорижий ва маҳаллий инвесторлар учун ҳар томонлама қулай шароитлар яратиш борасида қатъий қадамлар ташладик.

Ҳар бир соҳа ва тармоқда бўлгани каби, тўқимачилик ва кийим-кечак саноатида ҳам кенг қўламли ислохотларни амалга оширмоқдамиз.

Энг аввало, пахта етиштиришда давлат монополиясига барҳам берилди, хомашёдан тайёр маҳсулотгача бўлган жараённи тўлиқ қамраб олган кластер тизими яратилди ва босқичма-босқич такомиллаштириб боришмоқдамиз.

Соҳадаги ислохотларимиз нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилиб, Ўзбекистонга нисбатан “пахта бойкоти” бекор қилинди. Бу борада “Cotton Campaign” халқаро коалицияси билан ҳамкорлигимиз давом эттирилмоқда.

Шу билан бирга, барқарор қонунчилик базаси яратилгани, инвестициявий муҳит яхшиланигани, янги технологиялар жорий этилгани натижасида пахта толасини қайта ишлаш 2017 йилдаги 40 фоиздан 100 фоизга етди. Айни вақтда четдан тола ва хомашё олиб келиб, юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш борасидаги ишлар ҳам бошланди.

Соҳада яратилган имкониятлар туфайли тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 5 баробар кўпайди, уларнинг экспорти 4 карра ортди.

Энг муҳими, илгари соҳада экспортнинг салмоқли қисми, яъни 70 фоиз хомашё ҳиссасига тўғри келган бўлса, бугунги кунда четга сотилаётган товарларнинг 60 фоизини тайёр маҳсулотлар ташкил этмоқда.

Биз ислохотларни бошлаган илк даврдаёқ инсон капиталини ривожлантириш, аҳоли, айниқса, ёшлар ва аёлларни касбга ўргатиш, барча соҳалар учун малакали кадрлар тайёрлашни устувор вазифа сифатида белгилаб олдик ва бу масалалар бундан буён ҳам диққатимиз марказида бўлади.

Қорхоналардаги ишчилар учун халқаро талабларга жавоб берадиган, муносиб меҳнат шароитлари яратилмоқда, “Better

Work” ва “Better Cotton” дастурлари тизимли жорий этилмоқда.

Соҳада банд бўлган 600 мингдан зиёд аҳолининг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шунингдек, тўқимачилик соҳасида миллий брендларни яратиш, мамлакатимизга нуфузли халқаро ва хорижий брендларни жалб этиш бўйича қатъий чоралар кўрилмоқда.

Мамлакатимизда Германиянинг “Teamdress”, Италиянинг “Cotonella”, Сингапурнинг “Indorama”, Кореянинг “Posco International” ва “Gwangyung” компаниялари каби жаҳон бозорининг нуфузли иштирокчилари самарали фаолият олиб бормоқда.

Ўзбекистон тўқимачилик саноати жаҳондаги ишлаб чиқариш жараёнларига фаол интеграция бўлиб, дунёнинг барча қитъаларида ишончли ҳамкорларимиз кўпаймоқда.

Таъкидлаш жоизки, хорижий инвесторлар ва халқаро брендлар билан узоқ муддатли ҳамкорлик қилиш, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, миллий брендларни халқаро даражага олиб чиқиш — келгусида ҳам тўқимачилик саноатидаги устувор йўналишларимиз бўлиб қолади.

Ишончим комил, бугунги конференция ушбу соҳада Ўзаро ҳамкорликни халқаро миқёсда янада юксалтириш ва мустаҳкамлаш, илгор тажриба ва юзлар билан алмашиш учун самарали платформа бўлиб хизмат қилади.

Бу эса, анжуманда иштирок этаётган 500 дан зиёд миллий ва халқаро ташкилотлар, ишлаб чиқарувчилар ва “ритейл” компаниялар вакиллари ўртасида Ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириб, соҳа ривожини янги сифат босқичига олиб чиқиш имконини беради, деб умид қиламан.

Биз хорижий ҳамкорларимизнинг Ўзаро манфаатли барча ташаббусларини юксак баҳолаймиз ва қўллаб-қувватлаймиз. Жумладан, халқаро брендлар Ўзбекистонга кириб келиши учун зарур стандартларни жорий этишда ҳам томонлама кўмаклашамиз.

Нуфузли халқаро ташкилотларга конференция, кўргазма, мода намоишларини юртимизда, айниқса, туризм ва саноат салоҳияти юқори бўлган Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Марғилон, Қўқон, Наманган, Андижон шаҳарларида мунтазам ўтказиб боришлари учун барча шароитларни яратиб беришга тайёрмиз.

Аминманки, юртимизнинг қадимий тарихи, бой маданий мероси, меҳнаткаш ва илханоб халқимиз билан учрашувлар сизларда унутилмас таассуротлар қолдиради, ҳудудларимизнинг улкан ижтимоий-иқтисодий салоҳияти эса, инвесторларни янги-янги лойиҳаларни амалга оширишга ундайди.

Сизларни бугун ўз ишини бошлаётган йирик анжуман билан яна бир бор табриклаб, барчангизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, конференция ишига эса муваффақиятлар тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Каха ИМНАДЗЕ: “МАРКАЗИЙ ОСИЁ — ДЎСТОНА ВА ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРДА ДУНЁНИНГ БОШҚА МИНТАҚАЛАРИ УЧУН НАМУНА БЎЛМОҚДА”

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотибнинг Марказий Осиё бўйича махсус вакили, БМТнинг Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази раҳбари янги Ўзбекистон ва янги Марказий Осиёнинг уйғониш даври ҳақида

Бугун Марказий Осиё минтақаси шериклик ва ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг кенг ҳудудига айланиб бормоқда. Минтақа давлатлари раҳбарларининг сиёсий иродаси ва биргаликдаги саъй-ҳаракатлари тараққиёт ва фаровонлик йўлидаги ташаббусларни бирлаштиришга хизмат қилди.

“Дунё” ахборот агентлиги БМТ Бош қотибнинг Марказий Осиё бўйича махсус

вакили, БМТнинг Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази раҳбари Каха Имнадзе билан минтақанинг геосиёсий аҳамияти ва унда содир бўлаётган жараёнлар ҳақида суҳбатлашди.

Давоми 4-бетда

ЖАМИЯТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ

Аралаш сайлов тизимининг ундаги ўрни ва аҳамияти

Бекзод ЖАМИЕВ,

Тошкент давлат техника университети Олмалиқ филиали директори ўринбосари, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори, доцент

Аралаш сайлов тизими, бу — пропорционал ва мажоритар тизим элементларини бирлаштирган сайловларни ташкил этишга инновацион ёндашув. Сайловнинг ушбу тизими турли сиёсий кучлар вакиллари ва сиёсий бошқарув барқарорлиги ўртасидаги мувозанатни таъминлайди. Бу эса уни замонавий демократик тизимларда самарали воситага айлантиради. Шу боис, ушбу модел дунёнинг турли мамлакатларида фаол қўлланилган ва у жамиятни модернизация қилиш ҳамда демократлаштиришда муҳим роль ўйнамоқда.

Вакилликнинг хилма-хиллигини ҳисобга олган ҳолда аралаш сайлов тизими сиёсий вакилликнинг мутаносиб ва аксарият жиҳатларини ҳисобга олиш имконини яратди. Бу сайловчиларнинг сиёсий имтиёзларини янада аниқроқ акс эттиришга ёрдам беради. Аралаш сайлов тизимининг аксарият элементлари алоҳида сайлов округларида жонли сиёсий рақобатнинг пайдо бўлишига замин яратди, бу эса вакиллик сифатини оширишга хизмат қилади.

Ушбу тизим барқарор ҳуқуқлар шаклланишига, мутаносиб элементлар эса сиёсий қарашларнинг кенг доирасини акс эттирувчи парламентларни шакллантиришга имкон беради.

Аралаш сайлов тизимининг жамиятни демократлаштиришдаги аҳамияти куйидагича:


— кўп сайлов элементлари мавжудлиги янада барқарор ва башорат қилинадиган сиёсий тузилмаларни таъминлаш орқали экстремистик ва радикал тенденцияларни ушлаб туришга ёрдам беради;

бугунги кунда ривожланган мамлакатларда синовдан муваффақиятли ўтган, сайловчиларнинг хоҳиш-истаклари, талабларига тўла жавоб берадиган, сайловни аҳоли учун энг мақбул шаклда ташкил этиш ва ўтказиш тартиблари ҳамда сайлов тизимлари мавжуд. Улар, айниқса, аралаш сайлов тизимидан самарали фойдаланиб келмоқда. Шу сабабли Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари сайловни аралаш сайлов тизими асосида ўтказиш тартиби белгиланган.

Жумладан, Сайлов кодексига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга кўра:

— Қонунчилик палатаси депутатлари сайловни ўтказиш учун 75 та ҳудудий бир мандатли сайлов округи тузилади;

— Қонунчилик палатаси депутатлигига сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган номзодлар рўйхати асосида Қонунчилик палатасига сайлов ўтказиш учун Ўзбекистоннинг бутун ҳудуди ягона сайлов округи ҳисобланади;



— **АЁЛЛАРНИНГ Сони БИР МАНДАТЛИ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИ БЎЙИЧА, ШУНИНГДЕК, ПАРТИЯ РЎЙХАТИ АСОСИДА СИЁСИЙ ПАРТИЯДАН КЎРСАТИЛГАН ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОДЛАР СОНИНИНГ КАМИДА 40 ФОИЗИНИ ТАШКИЛ ЭТИШИ КЕРАК. БУНДА ПАРТИЯ РЎЙХАТИДАГИ КЕТМА-КЕТЛИКДА КАМИДА ҲАР 5 НАФАР НОМЗОДНИНГ ИККИ НАФАРИ АЁЛ КИШИ БЎЛИШИ ЛОЗИМ.**

— аксарият ҳудудлар, минтақавий ҳусусият ва манфаатларни ҳисобга олиши мумкин, бу, айниқса, кўп мандатли ёки федератив давлатларда ўта муҳимдир. Сайловчиларнинг юқори даражадаги сиёсий фаоллигини рағбатлантириши мумкин, чунки улар сиёсий жараёнга таъсир ўтказиш учун турли хил имкониятларни тақдим этади.

Мамлакатимизда парламент ҳамда давлат ҳокимияти вакили органлари фаолиятида изчил янгилашлар, жумладан, давлат бошқарувида сиёсий партиялар ролини янада кучайтириш, вакиллик органларига сайланган депутат ва сенаторларнинг масъулияти ва фаолигини ошириш борасида тизимли ҳуқуқий ислохотлар кечмоқда.

Жумладан, 2023 йил 18 декабрь куни қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига сайлов ва референдум ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун билан Сайлов кодекси ва амалдаги еттига қонунга сайлов ва референдумни ташкил этиш ҳамда ўтказиш тартибини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган. Зеро,

Аралаш сайлов тизимини жорий қилиш орқали ҳар бир мамлакат уни ўзига хос шароитларга мослаштиради, бу эса янада адолатли вакиллик бошқарувини ташкил этиш имконини беради. Дунёнинг турли минтақаларида ундан муваффақиятли фойдаланиш мисоллари ушбу тизимнинг замонавий демократик амалиётдаги самарадорлиги ва аҳамиятини тасдиқлайди.

— партия рўйхати Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинганидан кейин, ушбу рўйхатга киритилган депутатликка номзод мақомини олади ва уларга гувоҳнома берилади;

— партия рўйхатига киритилган номзодлар ушбу сиёсий партиянинг аъзолари ёки партиясиз бўлиши мумкин. Бошқа сиёсий партиянинг аъзолари ушбу рўйхатга киритилиши мумкин эмас;

— депутатликка номзодларни танлаш тартиби сиёсий партиялар томонидан белгиланади;

— аёлларнинг сони бир мандатли сайлов округлари бўйича, шунингдек, партия рўйхати асосида сиёсий партиядан кўрсатилган депутатликка номзодлар сонининг камида 40 фоизини ташкил этиши керак. Бунда партия рўйхатида кетма-кетликда камида ҳар 5 нафар номзоднинг икки нафари аёл киши бўлиши лозим.

Шунингдек, ягона сайлов округи бўйича сайланадиган Қонунчилик

палатасининг депутатлик ўринлари ушбу сайловда иштирок этган сайловчилар овозларининг 7 ва ундан кўпроқ фоизини тўплаган сиёсий партиялар ўртасида тақсимланади.

Агар сайловда иштирок этган сайловчилар овозларининг 7 ва ундан кўпроқ фоизини фақат битта сиёсий партия тўплаган бўлса, унда депутатлик ўринлари сайловда сайловчиларнинг энг кўп овозини тўплаган иккинчи сиёсий партиёга ҳам тақсимланади.

Демак, жорий йил октябрда режалаштирилган сайловда Қонунчилик палатасининг 75 депутати аввалгидек бевосита бир мандатли сайлов округларидан, қолган 75 депутат сиёсий партияларнинг сайловда олган овозлари сонига пропорционал тарзда, партия томонидан тақдим этилган депутатликка номзодлар рўйхати бўйича сайланади.

Маълумки, сиёсий партиялар аҳолининг энг фаол, дунёқароши, мақсади, фикрлари муштарак бўлган муайян қисмини ўз сафида бирлаштирган ва умумхалқ маффаатлари йўлида сиёсий ҳокимият учун курашадиган сиёсий ташкилот бўлгани боис, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан ажралиб туради. Сиёсий партиялар сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчиси сифатида давлат органларининг шаклланиши ва сиёсий қарорларнинг қабул қилинишида тобора муҳим омилга айланиб бормоқда. Давлат ҳокимиятини эркин ва ошқора, муқобиллик асосида ўтказиладиган сайловлар орқали шакллантириш демократиянинг олий кўриниши ҳисобланади. Сайловлар орқали инсон ва фуқаронинг энг муҳим конституциявий сиёсий ҳуқуқларидан бири рўёбга чиқарилади.

Жамиятимизда мафкуравий хилма-хиллик, кўпфирқилик шаклланиб бораётгани сабабли сиёсий партиялар ўртасида ҳам ўзига хос баҳс-мунозаралар кетмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда 5 та сиёсий партия фаолият юритмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2019 йил 22 август куни мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партиялар раҳбарлари билан учрашувда “Ҳар қандай сиёсий партия замон билан ҳамнафас бўлиб, унинг ўткир талабларига жавоб берган тақдирдагина сиёсий куч сифатида яшай олади”, дея таъкидлаган эди.

Сайловлар сиёсий партиялар учун ўзига хос имтиҳон вазифасини ўтайди. Сайловларнинг кўппартиявийлик ва муқобиллик, ошқоралик ва транспарентлик тамойиллари асосида, дунёда умумэтироф этилган демократик стандартларга мос ҳолда ўтиши кўп жиҳатдан сиёсий партияларнинг ушбу жараёнга пухта тайёргарлик кўриши ҳамда чуқур ўйланган янги ғоя ва мақсадлар, дастурлар билан уларда фаол иштирок этишига боғлиқ.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, мамлакатимиз парламенти ва маҳаллий кенгашларга сайлов шу вақтга қадар мажоритар сайлов тизими асосида ўтказиб келинган бўлса, сайлов қонунчилигига киритилган сўнгги ўзгартиришларга мувофиқ эндиликда парламентимизнинг қўйи палатасига сайловлар аралаш сайлов тизимида, маҳаллий кенгашларга сайлов эса мажоритар сайлов тизимида ўтказилади.

Ўз навбатида, аралаш сайлов тизими сиёсий партиялар фаолиятига янгича ёндашувларни жорий қилишни тақозо этади.

Умуман олганда, аралаш сайлов тизими ёндашувларнинг хилма-хиллигини намоён қилади, бу эса, ўз навбатида, сиёсий институтларни муайян сиёсий ва маданий шароитларга мослаштириш, демократик жараёнларни мустаҳкамлашга кўмаклашади.

Аралаш сайлов тизимини жорий қилиш орқали ҳар бир мамлакат уни ўзига хос шароитларга мослаштиради, бу эса янада адолатли вакиллик бошқарувини ташкил этиш имконини беради. Дунёнинг турли минтақаларида ундан муваффақиятли фойдаланиш мисоллари ушбу тизимнинг замонавий демократик амалиётдаги самарадорлиги ва аҳамиятини тасдиқлайди.

Шундай қилиб, аралаш сайлов тизими жамиятларни модернизация қилиш ва демократлаштиришда муҳим роль ўйнайди, сиёсий барқарорлик, қонунийлик ва фуқароларнинг сиёсий жараёнга жалб этилишини мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшади.

ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ – ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ I КОНГРЕССИ ТЎҒРИСИДА

2024 йил 7 сентябрь куни Тошкент шаҳрида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг I Конгресси бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар кенгашларидан сайланган делегатлар, Сиёсий Кенгаш, Марказий тафтиш комиссияси ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари, партия фаоллари ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

Конгрессда партиянинг ўтган 5 йиллик фаолияти таҳлили, истиқболдаги режалари муҳокама қилинди. Шунингдек, муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа — бўлажак сайловларга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ ишлар атрофида кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, партия аъзолари сони 2020 йил бошидаги 745 минг нафардан деярли 2 баробарга ортиб, 1 миллион 600 мингдан зиёдга етди. Шу тариқа ЎзЛиДеП Ўзбекистоннинг сиёсий саҳнасида энг кўп сонли аъзолар ва тарафдорларига эга бўлган, фаровон ҳаётни таъминлашда етакчи ўринга эга халқчил партияга айлана олди.

Партия энг ёрқин ташаббуслардан бири — **Конституциямизни ислоҳ қилиш ғояси** билан сиёсий майдонга чиқди ва ушбу жараёнда фаол иштирок этди. Конституциядаги янги нормалар “инсон — жамият — давлат” концепциясига қатъий амал қилинган ҳолда тайёрланди.

Парламентдаги ЎзЛиДеП фракцияси депутатлари партия Сайловиди дастурдаги мақсад ва ғояларини амалга оширишга қаратилган 200 дан ортиқ қонулар қабул қилинишида фаоллик кўрсатди. Шу билан бирга, 41 та қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда ташаббускор бўлди. Хусусан, **Солиқ, Божхона, Ер ва Шаҳарсозлик кодекслари** янгича бизнес муҳитини рағбатлантирадиган нормалар билан бойитилиб, янада либераллаштирилди.

Партия Сайловиди дастуридан алоҳида ўрин олган бизнес юритиш учун қўшимча қулайликлар яратувчи ва ҳуқуқий кафолатларни таъминловчи **Тадбиркорлик кодекси** ишлаб чиқилди.

Шунингдек, таъсирчан парламент назоратини амалга оширишга катта эътибор қаратилиб, ундан самарали фойдаланилди. 12 мартаба “Ҳуқуқмат соати”, 6 марта “Парламент эшитувчи” ўтказилган баробарида тегишли вазирлик ва идораларга 11 марта “Парламент сўрови” юборилиб, улар бўйича ахборотлар тингланди. Электротар маффаатларини ҳимоя қилишга қаратилган 730 та депутатлик сўрови юборилди.

Ўтган вақт мобайнида маҳаллий кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳлари ҳам фаол иш юритди. Улар томонидан 10 минг мартаба ҳудудий ижро органлари раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди, 53 мингдан зиёд депутатлик сўрови юборилди.

Конгрессда партиянинг келгуси беш йилликдаги муҳим стратегик ҳужжати — янги Сайловиди дастури лойиҳаси муҳокама қилинди. Таъкидланганидек, партия “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини тўлиқ амалга ошириш маъсулиятини зиммасига олган етакчи сиёсий куч сифатида парламент сайловларига **5 мақсад — 500 вазифани** ўз ичига қамраб олган янги дастур билан кириб бормоқда.

ЎзЛиДеП “**Эркин ва фаровон, қудратли янги Ўзбекистонни биргалликда қураимиз!**” шiori остида барқарор

иқтисодий ўсиш орқали ҳар бир инсон, оила ва жамият фаровонлигига эришишни асосий мақсадлардан бири сифатида белгиланган.

Партия Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бошчилигида қисқа вақт давомида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, эҳтиёмандларга кўмаклашиш, очиклик сиёсатини юритиш, мамлакат иқтисодиёти ва халқаро нуфузини ошириш бўйича тарихий ислохотлар амалга оширилганини эътироф этган ҳолда, бу борадаги ишларни изчил ва қатъий давом эттириш Ўзбекистонни юксалтиришнинг ягона тўғри йўли, деб ҳисоблайди.

ЎзЛиДеП иқтисодий йўналишда либерал тамойилларга асосланган эркин бозор муносабатларини қўллаб-қувватловчи ташаббусларга содиқ қолган ҳолда, бизнес юритишнинг янада соддалаштириш, лицензиялар сонини **2 баробарга қисқартириш**, мингта яқин бюрократик талабларни бекор қилиш, **солиқ маъмуричилигини соддалаштириш**, тадбиркорлар учун солиқ тўлашда адолатли шароитлар яратиш каби вазифаларни белгилаб олмоқда.

Шу билан бир қаторда, партия Сайловиди дастурида мамлакат ялпи ички маҳсулот ҳажминини 2030 йилга бориб **160 миллиард долларга**, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадини эса **4 минг долларга**, саноатда қўшилган қиймат ҳажминини **45 миллиард долларга**

“Ҳар бир оила ўз уйига эга бўлсин!” шiorини амалиётга татбиқ қилган ҳолда 1 миллион хонадонли уй-жойлар қуриш каби ташаббусларни илгари сурмоқда.


Халқ хизматидаги адолатли, замонавий давлатни барпо этиш борасида давлат хизматларининг камида **300 тасини (40 фоизини) хусусий секторга** ўтказиш ва фуқароларнинг шахсий иштирокини 2 баробарга қисқартириш, маҳаллаларни “бир қадам” тамойили асосида фуқароларнинг мурожаатлари ҳал этиладиган масканга айлантириш, тадбиркорлар фаолиятига белгиланган ҳоллардан ташқари аралашгани учун мансабдор шахслар жавобгарлигини кучайтириш масалалари ҳам дастурда кўзда тутилган.

Делегатлар янги Сайловиди дастури лойиҳасини маъқуллади ва ижросини таъминлашда фаол иштирок этишга тайёрлигини билдирди.

Конгрессда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловида фаол иштирок этиш масалалари муҳокама қилинди. Номзодларни кўрсатиш жараёни партиянинг келгуси фаолияти учун муҳим аҳамиятга эга. Бу жараёнда қабул қилинган қарорлар партиянинг сайловлардаги муваффақиятини белгилайдиган омиллардан бири ҳисобланиши қайд этилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига бир мандатли округлар (мажоритар тизим) бўйича 75 нафар, партиявий рўйхат (пропорционал тизим) бўйича 100 нафар номзод кўрсатилди.

Номзодларнинг 43 фоизи аёллардан иборат, 175 нафар номзоднинг барчаси олий маълумотга эга, уларнинг 63 фоизини тадбиркор ва фермерлар, иқтисодиёт соҳаси вакиллари, 25 фоизини фан,



Конгрессда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловида фаол иштирок этиш масалалари муҳокама қилинди. Номзодларни кўрсатиш жараёни партиянинг келгуси фаолияти учун муҳим аҳамиятга эга. Бу жараёнда қабул қилинган қарорлар партиянинг сайловлардаги муваффақиятини белгилайдиган омиллардан бири ҳисобланиши қайд этилди.

ва юқори даромадли 2,5 миллион иш ўринларини яратиш, келгуси 5 йилда иқтисодиётда нодавлат сектор улушини 85 фоизга етказиш бўйича аниқ вазифалар ҳам акс этган.

Партия сифатли таълим, тиббиёт ва кучли ижтимоий ҳимояни таъминлаш борасида **камбағаллик кўламини икки қарра камайтириш**ни устувор вазифа сифатида кўяр экан, бунинг учун беш йилда камида 1 миллион фуқарони бозори қаққон касбларга ўргатиш, қўшимча 2,5 миллион ўқувчи ўрнини яратган ҳолда таълим сифатини тубдан яхшилаш, тиббиётга ажратиладиган йиллик маблағлар ҳажминини 2 қарра ошириш,

таълим, маданият ва ижтимоий соҳаси вакиллари, 12 фоизини ҳуқуқшунослар ташкил этади. Шунингдек, номзодларнинг 19 нафаридан фан номзоди ва 12 нафаридан фан доктори илмий даражаси мавжуд.

ЎзЛиДеП сайловиди ташвиқотида тубдан янгича ёндашишни кўзда тутиган стратегияси доирасида халқнинг ичига янада фаолроқ кириб бориш, уйма-уй юриб, ҳар бир сайловчига партия ғояларини етказишни мақсад қилиб қўйган.

Конгрессда муҳокама қилинган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЎзЛиДеП Мағбуот хизмати



Долзарб мавзу

КЕЛАЖАКНИ ҚУТҚАРИШ ТАШАББУСИ

ёхуд Ўзбекистоннинг иқлим ўзгаришларига қарши курашиш тажрибаси жаҳон ҳамжамияти диққат эътиборида



Лутфулла СУВОНОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиши 1-бегда

Буни бутун барчамиз кўриб, билиб туришимиз: сайёрамизнинг қай бир бурчагида иссиқ об-ҳаводан одамлар жабр чекаётган бўлса, бошқа жойда сув тошқинлари кузатишмоқда. Яна қайси бир иссиқ гўшаларда қор, дўл, ёмғир ёғиб, катта-катта ҳудудларни сув босмоқда.

Умуман олганда, иқлимнинг кескин ўзгариши, саҳролар кенгайиши, чўлланиши ва ер деградацияси, маъиший ва саноат чиқиндиларининг тобора ортиб бориши, атмосферанинг зарарланиши, сув ресурслари инфосланиши ва танқислиги, ўрмонлар ва биохилма-хилликнинг камайиши инсоният учун ниҳоятда долзарб глобал экологик муаммага айланган.

Бу муаммо барқарор ривожланиш йўлида энг асосий таҳдидга айланган улғурди. Хавф-хатарлар, ҳатто дунё геосиёсий архитектурасига ҳам таъсир кўрсатмоқда. Атроф-муҳитнинг инфосланиши, иқлим ўзгариши ва табиий ресурслардан самарасиз фойдаланиш билан боғлиқ глобал муаммолар эса ўз навбатида, барқарор ривожланишга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Мана шундай мураккаб бир шароитда иқлим ўзгаришларига қарши кураш боради амалда синовдан муваффақиятли ўтаётган “Яшил макон” умуммиллий дастури концепцияси асосида ишлаб чиқилган резолюция қабул қилиниши, айниқса, гоёт долзарбдир. Таъбир жоиз бўлса, буни келажакни қутқариш ташаббуси, десак ҳам муболаға бўлмайд.

Иқлим миграцияси

Жаҳон банки маълумотларига кўра, 2050 йилга келиб, 216 миллиондан ортиқ одам иқлим ўзгариши сабаб ўз мамлакатларини тарк этиши мумкин. Хусусан, Шарқий Европа ва Марказий Осиёда 5 миллион иқлим мигранти пайдо бўлиши тахмин қилинмоқда.

Одатда, одамлар ижтимоий-иқтисодий, сиёсий омидаларга кўра, ўзлари истиқомат қилаётган маконни ташлаб кетишга мажбур бўлади. Хозирги кунда эса иқлим ўзгариши сабаб ўз уйлари ташлаб чиқиб кетаётган одамлар сони ортаётир ва бу тенденция келажакда яна кўпайиши прогнозно қилинмоқда.

Экспертларнинг фикрича, ички иқлим миграцияси келгуси ўн йилликлар мобайнида ўсиши кутилмоқда. Асрнинг иккинчи ярмида эса бу жараён янада тезлашади. Агар мамлакатлар глобал иссиқхона газлари чиқиндиларини камайтирмаса ва иқлим ўзгаришининг ҳозирги ва келажакдаги таъсирини кўтарилиши каби таъсирлар натижасида одамларда қийинчилик юзага кела бошлайди ва улар кўчишга мажбур бўлиши мумкин.

Ўз навбатида, иссиқхоналардан чиқадиган газ чиқиндиларини камайтириш бўйича қилинадиган шошилиш саъй-ҳаракатлар ички иқлим миграциясини 80 фоизга камайтириши мумкин.

Айни йўналишдаги тизимлаштирилган сиёсат

Юқорида айтиб ўтганларимиз — “Яшил макон” умуммиллий дастури концепцияси ва унинг асосида ишлаб чиқилган “Деградацияга учраган ва қургўқ ҳудудларда барқарор ўрмонзорларни барпо этиш, даррахт экиш ва уларни тарғиб

қилиш — экологик муаммоларга қарши курашнинг самарали ечим” резолюцияси қабул қилинишидан хулоса қилиш мумкин, ушбу муаммолар мамлакатимиз учун ҳам бегона эмас.

Айниқса, иқлим ўзгаришининг салбий оқибатлари Орол фожияси туфайли Марказий Осиёда жиддий сезилмоқда. Минтақада ҳаво ҳароратининг ошиши жаҳондаги ўртача кўрсаткичдан икки баробар кўп. Фавқулодда иссиқ кунлар сони 2 марта ортди, музликлар майдонининг учдан бир қисми йўқолди.

Тупроқ емирилиши жараёнлари 30 миллион аҳоли турмуш тарзига салбий таъсир кўрсатмоқда. Кучли чанг ва қум бўронлари одатий ҳолга айланган. Ичимлик сув тақчиллиги, ҳаво инфосланиши, биохилма-хиллик йўқолиши, қишлоқ хўжалиги ҳосилдорлиги пасайиши каби муаммолар тобора авж олмақда.

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида янги форматдаги мутахассис ва экспертларни тайёрлаш, шунингдек, муаммоларни ҳал қилишда инновацион ёндашувларни жорий этиш талаб этилади.

Шу билан бирга, инсон капитални ривожлантириш, экологик хавфларни самарали бошқариш учун зарур билим ва кўникмаларга эга бўлган юқори малакали, халқаро даражадаги мутахассисларни тайёрлашнинг ялғиз тизими етарли эмаслиги, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатни бошқариш соҳасидаги интеллектуал ва илмий салоҳиятдан тўлиқ фойдаланиш даражасининг пастлиги, шунингдек, минтақавий даражада барқарор ривожланишнинг долзарб масалаларини ўрганиш бўйича ягона тадқиқот платформаси мавжуд эмаслиги каби қатор муаммолар ушбу соҳага алоҳида эътибор қаратиши тақозо этади.

Шу боис, кейинги йилларда мамлакатимизда ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, биологик хилма-хилликни сақлаш, “яшил” иқтисодиётга ўтиш ҳамда қаттиқ маъиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш йўналишларида тегишли ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, концепция ва стратегиялар қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбари жорий йил 9 август куни Остона шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари Маслаҳат учрашувидаги нутқида яна бир бор бу муаммоларга эътибор қаратиб, қатор ташаббус ва тақлифларни илгари сурди.

Президентимиз ўз нутқида: “Глобал иқлим ўзгариши оқибатлари мамлакатларимизнинг ҳар бирида сезилмоқда. Ҳарорат кўтарилиши, музликлар эриши, тошқинлар, қургўқчиликлар, чанг бўронлари ва бошқа кўплаб табиат ҳодисалари жиддий талафотлар етказишда давом этмоқда.

Жорий йилнинг ноябрь ойида Озарбайжонда бўлиб ўтadиган Иқлим саммити доминида мамлакатларимиз ягона позиция билан чиқишлари мумкин. Бу ўринда сўз халқаро жамоатчилик, фондлар ва донорлик ташкилотлари эътиборини ушбу ўткир муаммолар, жумладан, Орол фожиясига ечим топишга қаратиш мақсадида минтақадаги экологик таъсирнинг кўтарилиши каби таъсирлар ҳақида қўшма тақдимот ўтказиш ҳақида кетмоқда.



Бизнинг янги тақлифларимиз қаторида Марказий Осиёни барқарор ривожлантириш комплекс дастури, Трансчеғаравий дарёларнинг сув ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг минтақавий стратегиясини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш масалалари ҳам бор”, деди.

Марказий Осиё атроф-муҳити ва иқлим ўзгариши ўрганиш университети (Green University)

Маҳаллий, минтақавий ва глобал экологик муаммоларни самарали бошқариш, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг илмий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришда инновацион ғоялар, амалиёт ва технологияларни татбиқ этиш мақсадида Президентимизнинг 2023 йил 31 майдаги “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасини трансформация қилиш ва ваколатли

Иқлим ўзгаришининг салбий оқибатлари Орол фожияси туфайли Марказий Осиёда жиддий сезилмоқда. Минтақада ҳаво ҳароратининг ошиши жаҳондаги ўртача кўрсаткичдан икки баробар кўп. Фавқулодда иссиқ кунлар сони 2 марта ортди, музликлар майдонининг учдан бир қисми йўқолди.

давлат органи фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонига мувофиқ, Марказий Осиё атроф-муҳити ва иқлим ўзгариши ўрганиш университети (Green University) ташкил этилган.

бошқарув, Атроф-муҳит ва иқтисодиёт, Экология ва давлат бошқаруви, магистратурада Экология ҳуқуқи, Барқарор ривожланиш, Барқарор молия, Атроф-муҳит соҳасида оммавий коммуникациялар каби йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрланмоқда.

— Мазкур таълим маскани хорижий, давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари, шунингдек, Ўзбекистон, минтақа ва жаҳон илмий марказларини бирлаштиришда муҳим бўлган оладиган самарали платформа бўлиб хизмат қилади, — дейди университетнинг академик ҳамкорлик ва дастурларни ривожлантириш бўлими менежери Иброҳимбек Машрабалиев. — Бу ердаги дарс жараёнларида хорижий олий таълим ташкилотлари етук мутахассислари билан тузилган шартномалар асосида малакали хорижий экспертлар жалб этилган. Илмий ва таълим жараёнларини бошқаришнинг энг самарали тизимини яратиш, хорижий илмий экспертларни жалб этиш, илмий тадқиқотларни ривожлантириш чоралари кўрилмоқда. Бу борада халқаро рейтингларда етакчи ўринларни эгаллаган жаҳоннинг “яшил” университетлари билан стратегик ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди.

Илгор хорижий тажрибани жорий этиш мақсадида нуфузли хорижий олий таълим ташкилотлари мутахассислари билан



муҳофаза қилиш, табиатни бошқариш ва барқарор ривожланиш соҳасида миллий, минтақавий ва халқаро инновацион тизимларни қўллаб-қувватлаш учун янги билмларни амалиётга татбиқ этиш ва фанларро тадқиқотларни амалга оширишга хизмат қилади.

Аҳамиятлиси, таълим муассасаси Марказий Осиёнинг муҳим экологик, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий муаммоларини ҳал этишга қодир кадрларни тайёрлайди, энг асосийси, минтақанинг барча давлатларидан келган талабалар университетда тахсил олиши мумкин.

2023-2024 ўқув йилидан бошлаб абитуриентларни қабул қилишни бошлаган мазкур олий таълим масканида бакалавр даражасида Атроф-муҳит ва барқарор

биргалиқда халқаро стандартлар асосида ўқув дастурлари яратилди. Таълим жараёнлари инглиз тилида олиб борилмоқда. Ўқув жараёнларида Буюк Британия, АҚШ, нигериялик олимлар ва номзодлик диссертацияларини нуфузли хорижий олий таълим муассасалари, академияларида ёқлаган маҳаллий мутахассислар жалб қилинган ва хорижий илмий экспертларни жалб этиш жараёни давом этмоқда.

Таълим сифати ва халқаро мувофиқлашга эришиш мақсадида университет ўзининг академик дастурларини турли таълим стандартлари билан мослаштирди.

Халқаро ташаббус ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

Ўтган йил декабрь ойида БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича конференциясида Президентимиз глобал хавфлар минтақамизда ҳаётини нуқтага етиб келгани, “яшил” иқтисодиётга ўтиш ва углерод нейтраллигига эришиш янги Ўзбекистоннинг устувор стратегик вазифаси эканлигини таъкидлаб, қатор ташаббусларни илгари сурган эди.

Хусусан, Париж шартномаси доирасида иқлим ўзгаришига мослашиш соҳасидаги глобал ҳадди механизмни тезроқ келиши, Марказий Осиё иқлим мулоқоти платформасида Адаптация стратегиясини ишлаб чиқиш, глобал миқёсда кам углеродли иқтисодиётга ўтиш адолатли, шаффоф ва инклюзив бўлишини айтганди. Шунингдек, Иқлим технологиялари халқаро экспо-хабини яратишда яқин ҳамкорлик, Халқаро меҳнат ташкилоти билан “Яшил бандлик” дастури”ни ишлаб чиқиш

ва Моделлаштириш марказини ташкил этиш, COP Ёшлар конференциясини мамлакатимизда юқори даражада ташкил этиш каби ташаббуслар шулар жумласидан.

Айни ташаббуслар “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида ҳам ўз аксини топган. Стратегиянинг 51-мақсадида “Яшил” иқтисодиётга ўтиш, унинг асоси бўлган қайта тикланувчи энергиядан фойдаланиш кўрсаткичларини кескин ошириш борасида бир қатор вазифалар белгиланган. Хусусан, қайта тикланувчи энергия манбаларини 25 минг МВт ҳамда жами истъмолдаги улushiни 40 фоизга етказиш, саноатда “яшил сертификат”лар бозорини ривожлантириш ва “экологик маркировкалаш” амалиётини жорий қилиш, шаҳарларда жамоат транспортини экологик тоза ёқилгига ўтказиш, иқлим ўзгариши соҳасида барча иссиқхона газларини қамраб олуви мониторинг тизимини (MRV) яратиш масаласига эътибор қаратилган.

Бу борадаги ишларнинг мантқий давоми ҳамда айни йўналишдаги ташаббус ва вазифаларни самарали амалга ошириш мақсадида жорий йил 23 июлда давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Иқлим кенгашини ташкил этиш тўғрисида”ги фармони қабул қилинган диққатга сазовордир. Ушбу ҳужжат иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш бўйича миллий стратегияни ҳамда ушбу йўналишда ягона давлат сиёсатини шакллантириш мақсадларига хизмат қилиш билан аҳамиятли.

Иқлим кенгаши иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги энг юқори маслаҳат органи ҳисобланади.

— Мамлакатимизни барқарор ривожлантириш, аҳолининг ҳаёти ва соғлигининг юқори сифатини таъминлашда экологик хавфсизлик масалалари борасида амалга оширилаётган илоҳотлар муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда, — дейди Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги бўлим бошлиги Темур Собитов. — Глобал экологик муаммолар кескинлашган шароитда мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик вазиятни соғломлаштиришга қаратилган қонунлар, қонуности ҳужжатлари, давлат дастурларининг қабул қилиниши ва уларнинг ижроси бўйича изчил ишлар олиб борилаётгани, бу ишларда кенг жамоатчиликнинг фаол иштирок этиши беқиёс аҳамият касб этмоқда.

Иқлим кенгашининг асосий вазифаларидан бири БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги доиравий конвенцияси ва Париж битимидан келиб чиқадиган Ўзбекистоннинг мажбуриятлари бажарилиши мониторингини юритишдир. Шунингдек, фармонга асосан Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Яшил трансформация ва иқлим ўзгаришига мослашиш миллий маркази Иқлим ўзгариши миллий маркази, деб қайта номланди.

Мазкур ҳужжатнинг яна бир аҳамиятли жиҳати, “яшил” технологиялар, илмий изланишлар ва инновацияларни ўз ичига олган иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашишга йўналтирилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш учун ресурслар билан таъминлаш ва молиялаштиришга, шу жумладан, инвестициялар жалб қилишга кўмаклашиш белгилангандир.

Бу йўналишда илмий ва академик салоҳиятини ошириш ҳамда фундаментал тадқиқотларни ривожлантириш мақсадида Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгариши ўрганиш университетидида (Green University) Иқлим илмий форуми ташкил этилади.

Шунингдек, Кенгаши зиммасига вазирлик ва идораларнинг иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш бўйича ягона давлат сиёсатини амалга ошириш ишларини мувофиқлаштириш, бу борадаги ташқи сиёсатни юритишнинг йиллик устувор йўналишларини белгилаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базасини тақомиллаштириш вазифаси ҳам юклатилди.

Бир сўз билан айтганда, қабул қилинган ва сингари ҳуқуқий ҳужжатлар табиатни тоза ва соф ҳолда асраш, аҳоли учун соғлом турмуш шароитини яратиш, энг асосийси, келажак авлоднинг табиат неъматларидан тўлалигича баҳраманд бўлишини таъминлашдек эзгу мақсадларга хизмат қилиши билан муҳим ўрин тутди.

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан эса Ўзбекистон ташаббусининг бир овоздан қўллаб-қувватланиб, “Деградацияга учраган ва қургўқ ҳудудларда барқарор ўрмонзорларни барпо этиш, даррахт экиш ва уларни тарғиб қилиш — экологик муаммоларга қарши курашнинг самарали ечим” резолюцияси қабул қилинган дунё келажакни сақлаб қолишда долзарб аҳамиятга эга экани билан қиймати бебаҳо.



Каха ИМНАДЗЕ: “МАРКАЗИЙ ОСИЁ — ДЎСТОНА ВА ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРДА ДУНЁНИНГ БОШҚА МИНТАҚАЛАРИ УЧУН НАМУНА БЎЛМОҚДА”

Бошланиши 1-бетда

— **Жаноб Имнадзе, Марказий Осиё минтақаси, хусусан, Ўзбекистоннинг ўзаро ҳамкорлик фаоллашуви ва давом этган интеграция жараёнларини ҳисобга олган ҳолда бугунги ривожланишни қандай баҳолайсиз?**

— Аввало, Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари, хусусан, “Дунё” ахборот агентлигига Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, жумладан, мен раҳбарлик қилаётган БМТнинг Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази фаолиятига қизиқиш билдирганингиз учун ўз миннатдорлик гимни билдираман.

Марказ 2007 йил декабрь ойида Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон ҳукуматлари ташаббуси билан минтақавий ҳамкорликини мустақамлаш ва Марказий Осиёда зиддиятларнинг олдини олиш мақсадида ташкил этилган. Унинг асосий мақсади ўзаро тушуниш ва ҳамкорликини мустақамлаш учун нейтрал платформа яратиш орқали юзага келиши мумкин бўлган можароларнинг кучайишига йўл қўймаслик ва минтақа давлатлари ўртасида мулоқотни ривожлантиришдан иборат. Шу нуқтан назардан, БМТнинг Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази ва Марказий Осиё давлатларининг тинчлик, хавфсизлик ва барқарор тараққиётни таъминлашга қаратилган қўллаб-қувватлаш тўғрисида жамоатчилик хабардорлигини оширишда оммавий ахборот воситаларининг муҳим ролини алоҳида таъкидлашни истар эдим.

Саволингизга жавоб сифатида шунини айтиш керакки, Марказий Осиё минтақа халқлари ўртасида дўстона ва ўзаро манфаатли муносабатларни ўрнатилган бошқа минтақалар учун намуна бўлиб хизмат қилмоқда. Бешта давлатнинг минтақавий ҳамкорлиги ва ҳамжиҳатлигининг бугунги тенденциялари Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг узқони қўллаб-қувватлашга оид шарт-шароитларнинг яқинлашуви ва ўзаро ишончнинг ёрқин намунаси.

БМТ Бош котибининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили ва БМТнинг Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази раҳбари сифатида ушбу ижобий жадал ва ўсиб бораётган ишонч даражасини олқинлайман. Бу эса натижада минтақавий ҳамжиҳатлик ва интеграцияни, жумладан, зарур ҳолларда тарқибий соҳада ҳам кенгайтиришга олиб келади, деб умид қиламан.

Ўзбекистон минтақадagi энг кўп аҳолига, катта табиий ресурсларга ва барча қўшни давлатлар билан умумий чегарага эга давлат сифатида Марказий Осиёда муҳим роль ўйнайди. 2017 йилдан буён Ўзбекистоннинг БМТ низоми, халқаро ҳуқуқ тамойилларига содиқлик, шунингдек, тинчлик, яхши кўшничлик, минтақавий барқарорликини



мустақамлашга интилишга асосланган янги ташки сиест йўналиши халқаро муносабатларни шакллантириш ва Марказий Осиёда ўзаро ишонч ҳамда ҳамкорлик муҳитини ривожлантиришга сезиларли ҳисса қўшмоқда. Бу борада Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг мунтазам Маслаҳат учрашувлари ҳамда Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ўзаро ҳамкорлигини қўллаб-қувватлаш, барқарор ривожланишга эришиш учун шарт-шароит яратиш каби ташаббуслари муҳим аҳамият касб этиб, ижобий натижалар бераётгани кувонарли.

БМТнинг Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази минтақадаги ижобий тенденцияларни олқинлайди ва сув-энергетика ресурсларидан фойдаланиш, БМТнинг Глобал терроризмга қарши кураш стратегияси, ёшлар масалалари бўйича мулоқотни ривожлантириш ва “Аёллар, тинчлик ва хавфсизликни қўллаб-қувватлаш” дастури кун тартибини амалга ошириш каби муҳим соҳаларда минтақавий масалаларни ҳал қилишининг ўзаро мақбул ва узоқ муддатли механизмларини ишлаб чиқиш орқали ушбу жараёнларни қўллаб-қувватлашда давом этади.

БМТ Бош котиби жорий йилнинг июль ойида Марказий Осиёга ташрифи чоғида умумий масалаларга жамоавий ечим топишда минтақавий ҳамкорлик муҳимлигини алоҳида таъкидлади. Минтақа муносабатлари ўртасидаги муносабатлардаги ижобий ўзгаришлар ва ишонч даражаси охиб бораётгани минтақавий интеграцияни янада чуқурлаштириш учун қулай шарт-шароит яратиб беришига йўл очди.

Ушбу ташриф Марказий Осиёнинг замонавий геосийёсий ландшафтдаги стратегия аҳамиятини кўрсатади. Муштарак тарихий, маданий ва ўзаро тил меросига эга

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийлари Бош Ассамблеянинг 78-сессиясида БМТ Бош котибининг Келажак саммитини ўтказиш ташаббусини алоҳида қўллаб-қувватлади. Бу, кўпчиликнинг фикрича, глобал ва минтақавий муаммоларни ҳал этишда, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг роли ва самардорлигини кучайтиришда кўп томонлама шериклик учун янги асос яратишга хизмат қилиши керак. Ўзбекистон БМТ ислохотларини қўллаб-қувватлаш тарафдоридир.

мамлакатларни бирлаштирган минтақа сув танқислиги, ерлар деградацияси, табиий офатлар, хавфсизлик ва боғлиқлик муаммоларига дуч келмоқда. Бугунги мураккаб геосийёсий шaroитда шериклик муносабатларини мустақамлаш ва ушбу масалаларни ҳал этишда биргаликда ҳаракат қилиш муҳим аҳамиятга эга. Яна бир бор такрорлайман, бу каби масалаларга фақат ишонч, мулоқот ва ҳамкорлик орқали эришиш мумкин.

— **Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш йўлида Ўзбекистоннинг БМТ билан ўзаро ҳамкорлиги ҳақидаги фикрларингиз билан ўртоқлашсангиз.**

— Маълумки, Ўзбекистон БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши шафелигида Барқарор ривожланиш мақсадларини (БРМ) амалга ошириш бўйича олий даражадаги сийёсий форумда икки марта, 2020 ва 2023 йилларда икхтёрий миллий ҳисоботини тақдим этган эди. Шу нуқтан назардан, янгиланган Конституция қонидларига ва БРМга асосланган “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини олқинлайман. Стратегияда инсон ҳуқуқлари, гендер тенглик ва аёллар ҳуқуқларини кенгайтириш, “яшил” ривожланиш, коррупцияга қарши кураш ҳамда қонун устуворлигига алоҳида аҳамият берилган. Унда Ўзбекистон атрофида хавфсизлик, барқарорлик

ва яхши кўшничлик “белбоғи”ни яратиш, трансчегаравий сув ресурсларидан самарали фойдаланиш масалаларини янада тинч йўл билан ҳал этиш, шунингдек, чегараларни демаркация ва демократия қилишга алоҳида эътибор қаратиш.

Минтақавий даражада Ўзбекистон БМТ Минтақавий маркази фаолиятини фаол қўллаб-қувватлаб, профилактик дипломатия муҳимлигини ва Марказий Осиёдаги умумий масалаларни ҳал қилиш учун ҳамкорликни кучайтириш зарурлигини тан олади. Ўзбекистон БМТнинг Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази томонидан тақдир этилаётган ташаббуслар ва мулоқот платформалари ишга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Минтақа давлатлари ўртасида хавфсизлик муаммоларига самарали жавоб бериш, иқлим ўзгаришига мослашиш ва экологик вазиятни яхшилаш учун ўзаро мақбул ечимларни излаш, шунингдек, минтақа давлатларининг Афғонистон бўйича ёндашувларини мувофиқлаштиришда фаоллик кўрсатмоқда. Жо-

платформа — Марказий Осиё етакчи аёллар мулоқотини яратиш ва ривожлантиришда муҳим роль ўйнади. Ушбу платформанинг биринчи раиси сифатида Ўзбекистон унинг барча даражадаги минтақавий ҳамкорлигини мустақамлашнинг самарали воситаси эканлигини намойён этди.

Биз Ўзбекистоннинг профилактик дипломатия воситаларини илгари суриш ва қўллашда кўрсатаётган ёрдамни юксак қадрлаймиз. Шунингдек, Ўзбекистон БМТ Бош Ассамблеясининг 2017, 2021 ва 2023 йилларда қабул қилинган “Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича БМТ минтақавий марказининг роли” резолюциясини изчил қўллаб-қувватлаётганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийлари Бош Ассамблеянинг 78-сессиясида БМТ Бош котибининг Келажак саммитини ўтказиш ташаббусини алоҳида қўллаб-қувватлади. Бу, кўпчиликнинг фикрича, глобал ва минтақавий муаммоларни ҳал этишда, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг роли ва самардорлигини кучайтиришда кўп томонлама шериклик учун янги асос яратишга хизмат қилиши керак. Ўзбекистон БМТ ислохотларини қўллаб-қувватлаш тарафдоридир.

— **Яқин келажакда БМТ минтақада қандай янги дастур ва лойиҳаларни амалга оширишни режалаштирмоқда? Муваффақиятли лойиҳалар ҳақидаги маълумотлар ҳам биз учун муҳим.**

— БМТнинг Минтақавий маркази ўзининг превентив ваколати доирасида минтақанинг барча давлатлари билан асосий йўналишлар бўйича фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда. Экстремизм ва терроризмга қарши курашни, трансчегаравий сув ресурсларини бошқариш, музликларнинг эриши оқибатлари, гендер тенглик, шунингдек, превентив дипломатияда ёшлар ва аёлларнинг ролини кучайтириш шулар жумласидандир. Марказий Осиёга ўз таъсирини кўрсатаётган қўшни Афғонистондаги вазиятнинг ривожланишига ҳам алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Бизнинг марказ минтақа давлатлари билан ҳамкорликда 2022-2025 йилларга мўлжалланган сув-энергетика, атроф-муҳит ва иқлим соҳаларида Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги ҳамкорлигини қўллаб-қувватлаш бўйича 2022-2025 йилларга мўлжалланган стратегияни амалга оширмоқда. Стратегия сув муаммолари бўйича умумий ечимларни ишлаб чиқиш ва Орол денгизи ҳавасида сув ресурсларини бошқаришнинг ўзаро мақбул механизмларини яратиш учун кўп томонлама эксперт платформасини тақдим этади.

Марказ, шунингдек, низоларнинг олдини олиш ва ҳал қилиш билан шугулланувчи миллий ва минтақавий институтларнинг салоҳиятини оширишга ёрдам беради. Ушбу қўллаб-қувватлаш маҳаллий тинчлик ва барқарорлик механизмлари самардорлигини ошириш учун ўқитиш, техника ёрдам ва илгор тажриба алмашини ўз ичига олади.

Марказ минтақадаги потенциал можаро манбаларини тадқиқ қилиш ва таҳлил қилиш етакчи аёллар ва ёшлар иштирокида мулоқот тартиби шугулланади, бу эрта белгиларни аниқлаш ва хатарларни камайтириш учун фаол чоралар кўришга ёрдам беради.

Бундан ташқари, марказ тури даражадаги ва манфаатдор томонлар, жумладан, етакчи аёллар ва ёшлар иштирокида мулоқот ҳамда превентив дипломатия имкониятларини кенгайтириш устида иш олиб боради. Масалан, марказ “Аёллар, тинчлик ва хавфсизлик”, “Ёшлар, тинчлик ва хавфсизлик” кун тартиби доирасида минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш ташаббусларини амалга оширади, минтақавий аёллар платформаси — Марказий Осиё етакчи аёллар мулоқоти ва Марказий Осиё ҳамда Афғонистон ёшлари учун превентив дипломатия академиясини қўллаб-қувватлайди.

Марказ, шунингдек, минтақанинг барча бешта давлатида БМТ жамоалари билан яқин ҳамкорлик қилиб, минтақада ва ундан ташқарида барқарор ривожланиш ва барқарор тинчлик ўртасидаги боғлиқлигини таъминлайди. БМТнинг Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази фуқаролик жамияти институтлари, таҳлил марказлари ва халқаро ҳамда минтақавий ташкилотлар билан тенгсизлик ва атроф-муҳит деградацияси муаммоларини ҳал қилувчи ташаббусларини илгари суриш, янада барқарор ва фаровон минтақани яратишга ёрдам бериш учун ҳамкорлик қилади.

Хулоса ўрнида шунини айтишни истардимки, Ўзбекистон ўттиз икки йилдан ортқ вақт домида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тўлақонли аъзоси сифатида глобал ва минтақавий тинчлик ва хавфсизлик кун тартибидида ишончли ҳамкор бўлиб келмоқда. Ҳозир мураккаб халқаро муҳит ва глобал рақобат кучайиб бораётганига қарамай, мамлакат БМТнинг барча йўналишдаги муҳим ташаббусларини тўлиқ қўллаб-қувватлайди ва БМТ асосий тамойилларини ҳурмат қилган ҳолда умумий тил топиш ва келишмовчиликларни мулоқот ҳамда тинч йўл билан ҳал қилиш учун қўшнилари ва минтақавий шериклари билан фаол ҳамкорликни йўлга қўйган.

Фурсатдан фойдаланиб, халқингизга мустақам соғлиқ ва фаровонлик тилайман. Кенг қўламли ислохотлар доирасида барча режалаштирилган мақсадлар муваффақиятли амалга оширилишига тилақдошман. Янги Марказий Осиёнинг қайта туғилиши даврида янги Ўзбекистон ва унинг қўшнилари минтақавий интеграция йўлида илҳом ва битмас-туғамас куч-гайрат тилайман.

БМТнинг Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази ўзининг мандати ва превентив дипломатия воситаларига таянган ҳолда, минтақада тинчлик ва хавфсизлик ҳамда барқарор ривожланишни таъминлаш учун ҳолис платформа яратиб, ушбу саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашга доимо тайёр.

“Дунё” АА

Қуёшли хонадон

Ишдан шошиб уйга қайтган Саминжон халқаро футбол беллашувини томоша қилиш учун телевизор тутмасини босиб, диванга ўтирди. Шу дамда чироқ ўчиб қолди.

Диспетчерга кўнгирик қилиб, кутилмаган узилтиш сабабини, чироқни ёқини сўради. Навбатчи масул тармоқда куз-қиш мавсумига ҳозирлик кўриляётгани учун режалаштирилган ишларнинг бири бўлиб, бир ҳафта олдин келган СМС хабар ёдидан кўтарилганига пушаймон бўлди.

Вақт ўтиб борарди, қаерга борса бўлади? Ҳаёл билан ҳовлига чиқди. Қўшнининг футбол беллашувидан баҳра олган овози эшитилди: “гол”. Ҳайрон бўлиб дарвоза хатлади. Қўлашиб футбол томоша қилишда, кетар чоғда уйда чироқ ўчиб қолганидан бир оз нолиди.

— Уйимизда чироқ ўчмайди, тортинмай чиқарингиз, биргаликда футбол кўраймиз, — дея томига ўрнатилган қуёш панелларига ишора қилди қўшнини мамнун оҳангдан.

Бўлиб ўтган воқеадан тасирланган Саминжон уйига қуёш панеллари ўрнатиб, беиннат дастурнинг ўзига хос имкониятлари ҳақида катта-кичик дарваларда гапириб юрибди...

Бағдод туманидаги “Қўшчинор” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи аҳоли хонадонларида қуёш панелларидан фойдаланиш тажрибаси кундан кунга омаллашиб бормоқда. Аҳоли беиннат “яшил” энергиянинг ўзига хос қўлайликларидан мамнун. Сабаби, қуёш панеллари ёрдамида олинган электр энергия оила кундалик эҳтиёжини таъминлаш билан бирга, бир қисми эркин нархларда бошқа истеъмолчиларга сотилапти.

— Уйимиз томига 20 киловатт-соат қувватга эга қуёш панеллари ўрнатганимизда кўп бўлгани йўқ. Янги қурилма ҳар жиҳатдан қулай ва самарали экани амалда исботланди, — дейди шу маҳаллалик Жумайдулло Ҳуснов. — Ҳар ойда ўрта ҳисобда 500-600 киловатт-соатдан ортқ электр энергия истеъмол қиламиз. Куз-қиш мавсумида бу

Қўшчинорнинг қўш томлари

ҲАМ АҲОЛИНИ УЗЛУКСИЗ ЭНЕРГИЯ БИЛАН ТАЪМИНЛАЯПТИ, ҲАМ ҚЎШИМЧА ДАРОМАД ОЛИБ КЕЛЯПТИ

миқдор табиий равишда ортиб кетади. Янги қурилма туфайли электр энергияси билан боғлиқ сарф-ҳаражатлар буткул тежалаяпти. Фойдаланилаётган энергия учун умуман пул тўламаймиз. Аксинча, солиқ иловаси орқали “Қуёшли хонадон” дастури доирасида ҳар ойда 2 миллион сўмдан ортқ электр энергиясини тўғридан тўғри сотаямиз. Бу оиламизга қўшимча даромад олиб келяпти. Энг муҳими, чироқ ўчиб қолиш билан боғлиқ эски муаммолар барҳам топди.

Бир оила кундалик ҳаёт тарзи мисолидаги бу рақамлар маҳалла миқёсида ҳисобланса, кутилаётган фойда миқдорини чамалаб олиш қийин эмас. Қуёш панеллари ўрнатилган хонадон эгаларига қўшимча электр ҳисоблагичлар ўрнатиш талаб этилмайди. Аввалдан ўрнатилган “ақли”

ҳисоблагичлар сотилаётган электр энергиясини электрон тарзда ҳисоблаб бориш имкониятини беради.

— Савдо дўконимизга 10 киловатт-соат қувватли қуёш панеллари ўрнатганимиз, — дейди “Мурод барака” савдо шохбачаси раҳбари Дамира Каримова. — Бу ҳар жиҳатдан самара берапти. Тадбиркорлар учун истеъмолдаги электр энергиясига олдиндан тўлов тартиби жорий қилинган. Шу кунга қадар ҳар ойда 1000 киловаттдан ортқ электр энергияси учун олдиндан пул тўлаб келганимиз. Қуёш панеллари ўрнатилгач, бу миқдор нари борса, 30 фоизни ташкил қилапти. Янги қурилма туфайли ўзимизни ўзимиз муқобил энергия билан таъминладик. Бу иш сифатини оширди, маҳсулот таннархини арзонлаштириш имконини берди.

Асосий фаолияти қуёш ва шамол электр станциялари ҳамда кичик гидроэлектр станциялар қурилмадани ишлаб чиқариш бўлган юридик шахслар, 2025 йил 1 сентябрга қадар янги ташкил этилаётган юридик шахслар тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб уч йил муддат давомида фойда солиғи ҳамда мол-мулк солиғини белгиланган ставканинг 50 фоизи миқдоридида тўлаши белгиланган. Солиқ кодексининг тегишли моддаларига асосан, энергия ресурсларининг амалдаги тасарруфларида тўлиқ қўйилган турар жойларда қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланувчи жисмоний шахслар қайта тикланадиган энергия манбалари ўрнатилган ойдан эътиборан уч йил муддатга жисмоний шахслардан олинмаган мол-мулк ва ер солиғидан озод этилади.

— Электр энергияси истеъмоли йилдан йилга ортиб бораётган бугунги кунда муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш борасидаги ташаббуслар кенгайиб бормоқда, — дейди

“Фаргона худудий электр таъминоти корхонаси” акциядорлик жамияти Бағдод тумани филиали муҳандиси Шуҳратгон Каримов. — Хонадонда муқобил электр қурилмаларидан фойдаланиш истагида бўлганларга имтиёз ва имкониятлар ҳақида тушунтириш бериб, бу йўналишда ибрат бўлган оила, корхоналарнинг тежамкорлик борасидаги иш тажрибасини тарғиб қилаймиз. Шу кунга қадар 60 дан ортқ ижтимоий соҳа объекти, яна қариб шунча тадбиркорлик субъектига 1200 киловатт-соат қувватли қуёш панеллари ўрнатилди. “Қуёшли хонадон” лойиҳаси доирасида 180 дан ортқ хонадонда 200 киловатт-соат қувватли қуёш панеллари ишлаб турибди. Бу бир кунда ўрта ҳисобда 10 миңг киловатт-соат электр энергиясини иқтисод қилиш имкониятини беради.

Туманда қайта тикланувчи энергия манбаларини қўллаш қўламини кенгайтиришга бағишланган кўрғазмили семинарлар ҳам ўтказилди. Унда ижтимоий-иқтисодий тармоқлар, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаларида энергия тақчиллигини қоплашга

катта аҳамиятга эга бўлган қуёш панеллари, улардан самарали фойдаланиш механизмлари, қулайлик ва имкониятлар ҳақида тушунчалар берилмоқда. Бу йўналишдаги ташаббуслар иш тажрибаси омаллаштирилмоқда, муқобил энергия жиҳозлари маҳсулотлар кўрғазмалари ташкил этиляпти.

— Бир ойда ўрта ҳисобда 9 миллион сўмлик электр энергияси истеъмол қиламиз, — дейди “Модерн” кўп тармоқли клиникаси раҳбари Гулнора Муҳаммадалиева. — Кичик қувватли корхона учун бу юқори кўрсаткич. Шуларни ҳисобга олиб, 40 киловатт-соат қувватли қуёш панеллари ўрнатдик. Бу эҳтиёжнинг учун зарур электр энергияни етказиб берапти. Бундан нафақат корхонамиз, балки аҳоли ҳам манфаат кўради. Айни кунда хизмат кўрсатиш билан боғлиқ тўловларни арзонлаштириш, турларини кўпайтиришга ҳаракат қилаймиз.

Сирасини айтганда, муқобил энергиядан фойдаланиш доимо манфаатли. Қулай географик жойлашув, бир йилнинг 320 кундан зиёда қуёшли ўтиши, юқори даражадаги илмий салоҳият, шамол ва қуёш энергияси учун зарур қурилмалар ишлаб чиқариш йўналишларида ҳаётга таъбиқ этилаётган янги лойиҳалар бу борада янги имконият эшикларини очмоқда.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



Ризо полвон рақибига бир неча бор турли кураш усуллари қўллаб чалғитишга ҳаракат қилиб кўрди. Фармон полвон эса ҳамон вазминлик билан унинг ҳамласини бамайлихотир қайтариб, пайт пойларди. Давра аҳли суст олишаётган полвонларни фаол бўлишга ундаб, товуш бера бошлади. Шу пайт Фармон полвон худди шердек ҳужумга ўтиб, рақибнинг ёқасидан тутди ва чирпирак қилиб, елқадан ошириб ташлади.

АЛПЛАР уйғонмоқда, қувват қайтмоқда

Қадрият

— рақибига чапдастик билан қўшпойча солди ва кўтариб майдонга ташлади. Давра асов дарёдек тошиб кетди. Ҳатто чемпион полвон тарафдагилар ҳам “воҳ”,

Бутун Қамашни эли мулзам бўлиб, ерга боқди. Шунда биринчи котиб Мухтор Пўлатов колхозимиз раиси Дўстмамат Дўстеровнинг ёнига келиб: — Ҳа, нима бўлди, лейтенант? Ҳолинг шу экан-ку, нима, шундай катта Қамашни элида шу битта шаҳарлик полвонга бас келадиган полвон қолмадими ёки ўзинг чиқасанми? — деди.



Ўролбой ҚОБИЛ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси



Нихоят кимдир “Бор”, деб товуш берди. Не кўз билан кўрайликки, майдонга ҳамқилиғимиз Фармон ака чиқиб, давра айланди. Давра боши полвонларни ҳалойиққа таништирди. Кураш эса биз кутгандан-да шиддатли бошланди. Чироқчилик полвон гарчи буй-басти борасида Фармон полвондан анча кичик кўринса-да, даврада ўзига ярашмаган беҳуш ҳаракатлар қилар, бунинг замирида рақибни менсиматгани кўриниб турарди. Лекин Фармон полвон бошиқлик билан курашини давом эттирди ва унинг “Ё пирим!” деган жарангдор овози эшитилди, полвон рақибни майдоннинг ўртасида елкадан ошириб ташлади. Томошабинлар қийқариб юборди, давра ларзага келди. Бақовул “Ҳалол”, деб қўлини кўтарди. Мағлуб бўлган Хушбоқ полвон эса бақовулга ялинди: — Ростдан ҳам йиқилдим, илтимос, яна бир қўл олишайин, ахир мен жаҳон чемпиономан, эртага элимнинг ичида қандай бос кўтариб юраман... Майли, зотни ҳам ўзимнинг ҳисобимдан қўяман...

деб юборди. Фармон полвоннинг ғалабаси ҳақидаги хушхабар бутун Жонбўзсойга ва дарё бўйидаги қишлоқларга яшин тезлигида тарқалди.

Кунларнинг бирида Қамаш шаҳрида яшовчи фахрий қурувчи Хўжаёв Жонқувватов укаси Худоев муаллим билан бизникида меҳмон бўлди. Гурунгимиз айланиб, қишлоғимиз полвонларига тақалганда Хўжаёв ака бундай деди: — Уша йилларда асли самарқандлик Мухтор Пўлатов туман партия қўмитаси биринчи котиби эди. Кузда, ҳосил байрамида катта



кураш ва кўпқари ташкил қилинди. Зот ва совринлар салмоқли. Самарқанддан машҳур Ризо полвон ҳам келгани курашнинг мурасиси бўлишидан дарак берарди. Мен ўшанда ўспирин йигитча, қолаверса, оиланинг тўнғичи, эркаси бўлганмисан, байрамга хўжаликда бригада бошлиғи бўлган отамга эргашиб боргандим. Ҳаш-паш дегунча, самарқандлик полвон уч-тўрт номдор полвонни йиқитиб қўйди.

Мамлакатимиз Олимпия ўйинлари тарихида янги рекорд натижа кайд этди. Юртимиз вакиллари Париж Олимпиадасида 8 олтин, 2 кумуш, 3 бронза медаль жамғариб, Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилди. Юсак матонат кўрсатган спортчиларимиз дунёда 13-ўрин, Осиёда 4-ўрин, туркий, мусулмон ва МДХ давлатлари орасида 1-ўринни эгаллади. Уч спортчимиз икки карра Олимпия чемпиони, деган шарафли номга сазовор бўлди.

Азал-азалдан муқаддас тупроғимиз кураги ерга тегмаган полвону алплар юрти бўлиб келган. Томиримизда уларнинг шиддати, кучу қудрати яшарин. Дарёлар ўз ўзини тақдор ва тақдор қайтаверганидек, болалардан мерос куч-қувват, ноёб иқтидор, салоҳият ҳам авлодлар ҳаётида уйғониб бораверади. Йиллар силсиласида йигитлар, тобланган бу қувват Париж Олимпиадасида музаффарлик яловини баладда тутган юртимиз вакиллари мисолида яна бир бор ўз аксини кўрсатди. Спортчиларимиз катта майдонларда голиблик нашасини сурар экан, уларнинг қувватидан, Ватанимиз байроғининг юсакларда ҳилпирашидан гурурландик. Улар тимсолида ўзимиз билан, таниган полвонларини эсладик. Юртимиз тупроғида ҳаётбахш сир бор дея кўнглимиздан ўтказдик. Жонбўзсойлик кўпни кўрган кексалар ҳамон гурунларда елкаси ер кўрмаган полвон Фармон Баймановнинг чапдаст ва моҳир кураши бўлганини айтиб юради. Дарҳақиқат, касб-кори оддий тракторчи, сўнгра бригадир бўлган бу йигит узоқ йиллар нафақат қишлоғи, балки бутун Қамашни элининг ор-номуси учун майдонга чиқиб, қарийб йигирма

йил мағлубият нималигини билмай, майдонда жавлон урди. Бир кун қишлоғимиз гузаридати почта биноси ёнида акамиз Кенжа Умаров полвон билан боғлиқ бир воқеани айтиб берди: — Утган асрнинг 70-йиллари эди. Колхозда кассир бўлиб ишлайдиган бойволулик Жомурод бобо катта курашни тўй берди. У пайтлар тўйга келган меҳмонларга кўнлик берилар, сўнгра кураш бошланарди. Тўйга чироқчилик самбо буйича жаҳон чемпиони келгани эса курашнинг катта бўлишидан дарак эди. Кураш дарагини эшитиб келганлар сон-санокчис. Нихоят ҳамма интиқиб кутган кураш бошланди. Аввал ёш болалар, сўнгра ўспирин йигитчалар, кекса полвонлар даврани кизитиб беради, бақовул ҳаммага эшиттириб товуқ қўйди. Чироқчилик номдор полвон кўксига медалларини тақиб чиқиб, бош товоқни олди. Бақовул жар солди: — Ҳўш, оғайинлар, бош товоқни олган полвонга талабдор борми? Даврага жимлик чўқди. Ҳамма бир-бирига қаради.

Саломатлик сабоғи

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, жисмоний фаоллик ҳамда овқатланиш меъёр ва қоидаларига эътиборсизлик, таркибда туз, қанд, ёғ миқдори кўп таом ва ширинликларни меъёридан ортик ейиш, шунингдек, етарли даражада витамин ва минераллар истеъмол қилмаслик оқибатида ёшларда рационал ўсиш ва ақлий ривожланишда ортада қолиш, катталарда эса юрак-қон томир, эндокрин, хавфли ўсма каби қатор касалликлар кўпайишига сабаб бўлмоқда.



Шониёз ҚУРБОНОВ, биология фанлари доктори, профессор

Турмуш даражаси тобора яхшилангани боис, таомлар хилма-хиллиги ортиб бормоқда. Аксарият егуликлар таркибиде шаккар миқдори одатдагидан кўпайиб, сунъий таъм берувчи қўшимчалардан фойдаланиш кучаймоқда. Бундай ўзгаришлар махсулотлар ўзлаштирилишида ўзига хос физиологик-биохимиквий жараёнлар бузилишига олиб келмоқда. Буларнинг барчаси пиროвард натижада кишилар саломатлигига путур етказаятгани айни ҳақиқат.

“Очлик негизида ҳикмат бор”

Соғлом турмуш тарзининг муҳим шарти ҳисобланган соғлом овқатланиш ушбу салбий ҳолатларнинг олдини олишда устувор аҳамиятга эга. Тўғри ва соғлом овқатланиш умуминсоний маданиятнинг ажралмас қисмидир. Ушбу маданият нима эканини англаш, ҳар бир даврдаги талаб ва қондаларига риоя қилиш ўсиб-ўлғайиши, соғлом ҳаёт кечириш, узоқ умр кўриш, фойдали ақлий ва жисмоний меҳнат билан шуғулланишда алоҳида ўрин тутаети.

Айримлар “Овқатланишда қандай қонун-қоидалар бўлиши мумкин? Таом бўлса, тўйғунимизча еб-ичиб кетаварамиз-да”, деган фикр билдиради. Бу соғлом ҳаёт кечиришда жуда катта ҳаётдир. Овқатланиш маданиятининг таркибий қисми ҳисобланган қанда, қачон ва қандай овқатланиш лозимлиги қадим замонлардан бери олимлар диққатини торттиб келган. Масалан, Аристотель бундай деб ёзиб қолдирган: “Қам еб-ичиш ҳам, кўп еб-ичиш ҳам саломатликка путур етказиши, бинобарин, озиқ-овқатлардан, ичимликлардан меъёрида фойдаланиш саломатлигини мустақамлашди ва инсон узоқ вақт соғлом яшайди”. Буюк бобомиз Алишер Навоий эса “Очлик негизиде ҳикмат бор, тўқлик тағдида гафлат бор”, дея таъкидлаган. Овқатланиш ва унинг инсон саломатлиги билан боғлиқ табиий ва биологик (физиологик) масалаларни, шунга кўра, қатор касалликларни аниқлаш ҳамда даволаш борасида дастлабки илмий асосларни яратган олим Абу Али ибн Синодир. Буюк аллома шоҳ асари бўлмиш “Тиб қонунлари”да овқатланиш ва саломатлик борасида “Кимки соғлом турмуш тарзига эришмоқчи бўлса, ўз соғлигини сақламоқчи ва мустаҳкамламоқчи бўлса, овқатланиш тартибига, истеъмол қилинадиган овқатнинг сифатига, миқдорига, овқатни истеъмол қилиш вақти ва унинг ҳазм бўлиш жараёнига асосий эътиборни қаратмоғи лозим”, деб ёзди. Асарда қандай овқатланиш ҳақида батафсил маълумот берилган, нотўғри овқатланиш оқибатида юзга келадиган хасталикларни бартараф қилиш ва бошқа табиий масалалар шунчалик раван қилиб ёзилганки, “Тиб қонунлари” XVIII-XIX асрларгача бутун дунё бўйича асосий қўлланма сифатида фойдаланилган. Овқатланиш борасида аллома айтган ўғитлар бутунги кунда ҳам аҳамиятини йўқотмай, замондошларимиз сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилиб, кўплаб касалликларни даволаш ва бартараф этишда асқатмоқда. Озиқ-овқат махсулотлари таркиби ва миқдорига, қабул қилиниш тартибига мослашган узоқ йиллар давомида шаклланидиган жараён бўлиб, бунда ҳар бир ҳудуднинг табиий шароити (иқлим, суви, ҳавоси, мавжуд озиқ-овқат манбалари, денгиз юзасига нисбатан эгалланган ўрни ва бошқалар) ҳам муайян аҳамиятга эга. Шу боис, овқат ҳазм қилиш тизими муайян сабабларга кўра, махсулотнинг ўзига хос хусусиятлари, масалан, қарорати, таъми ва бошқалар ўзгарганда унга дарҳол мослаша олмайдиган, ошқозон ва ичкаларда ҳазм жараёни бузилади.

ХАСТА БЎЛМАЙ ДЕСАНГИЗ, ТЎҒРИ ОВҚАТЛАНИНГ

Яримтайёр махсулотлар нега зарарли?

Ер юзиде аҳоли сони тобора ортмоқда. Уларни етарли миқдорда озиқ-овқат махсулотлари билан таъминлаш долзарб масала бўлиб бормоқда. Етишмовчиликларнинг олдини олиш ҳосилдорлиқни оширишни талаб этади. Бу эса кимёвий ўғитлардан кенг қўламда фойдаланишга, ҳайвон оқсилли ва ёғларини кўпайтирадиган препаратлар, хусусан, гормонлар қўллашга ва кўп ҳосил берадиган, генлари модификация қилинган ўсимлик турлари ҳамда ҳайвон зотларини “ихтиро” қилишга олиб келмоқда. Боз устига аҳоли орасида, айниқса, иқтисодий ривожланган мамлакатларда тобора мазали, юқори калорияли, шунинг баробарида тез тайёрланадиган таомларга иштиёқ, талаб ошиб бормоқда. Тез тайёрланадиган таомларни кўпайтиришининг яна бир сабаби замондошларимизнинг ўз уйда овқат қилишга вақти етмаслигига боғлиқ. Натижада тез тайёрланадиган кўча таомлари билан тамадди қилиш кундалик турмушимизга кундан кун чуқур сингиб бормоқда. Яна бир жиҳати, фаст-фудлардан савдо ташкилотлари, муассасалар катта даромд кўради. Тез тайёрланадиган таомлар бозори йилдан йилга ўсиб, кенгаймоқда. Бундай ҳаридорнинг махсулотлар таркибига турли-туман ширинликлар, маза ва ранг берувчи моддалар (улар амалда “синтетик Е қўшимчалар” деб аталади) қўшиб тайёрланади. Колбаса, сосиска, пишлоқ, ҳар хил пиширилган таркибига ҳам тегишли миқдор ва нисбатда бўлиши лозим оқсиллар, ёғлар, витаминлар камайиб, инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатувчи кимёвий бирикмалар кўп қўшилади. Бундай таомлар ултра қайта ишланган егуликлар дейилади. Яримтайёр ҳолга келтирилиб музлатилган ёки ўта совитилган, истеъмолдан олдин қисқа вақт қайнатиб, қизитиб истеъмол қилинадиган чуварча, лагмон, котлет ва бошқалар ҳам шулар сирасига киреади. Тўғри, бундай таомлар тезроқ овқат тайёрлашда анча қўл келаети. Бироқ уларнинг тайёрлаш ва истеъмол қилишда соғлом овқатланишга зид хато ва камчиликларга йўл қўйилади. Биринчидан, ярим тайёрланган



Юқорида айтиб ўтилганлардан ташқари кўча-кўйда тайёрланиб ёки махсус муассасаларда ишлаб чиқариладиган яримтайёр махсулотларнинг иқтисодий тежамкорлик борасидаги ўрни ҳақида ҳам тўхталуш аҳоли учун муайян аҳамият касб этади. Америкалик бир гуруҳ олимлар 10 миллиондан зиёд одам устида узоқ муддатли кузатувлар ўтказиб, доимий сурьатда ултра қайта ишланган таомлар билан овқатланиш юрган шахсларда кўпроқ уй шароитида — анъанавий усуллар билан тайёрланган таомлар тановул қиладиганларга қараганда 30 фоиз кўпроқ салбий ҳолатлар бўлишини аниқлаган. Бундай салбий ўзгаришлар кўнунча юрак-қон томир, моддалар алмашинуви ва мия фаолияти билан боғлиқ.

Газли ичимликлар чанқоқ босмайд

Ҳозирги пайтда кўпчилик, айниқса, ёш болаларнинг семмли ичимлиги бўлиши ширин ва газли сувлар, энергетик ичимликлар таркибиде соғлиққа зарари моддалар борлиги нуфузли илмий лабораторияларда биохимиквий, физиологик тадқиқотларда аниқланган, уларнинг айримлари истеъмолдан чиқариб ташланган. Бугун сотувда мўл-кўл бўлган ширин ва газли ичимликлар, кўча-кўйда тез тайёрлаб сотиладиган фаст-фудларнинг озиқ-овқат сифатида айрим зарарли хусусиятларини физиологик нуқтан назардан таҳлил қилишга уриндик. Бу билан уларни озиқ-овқат сифатида истеъмол қилишдан таоманам воз кечиш керак, ҳосил эмасми. Фақат қайд қилинган махсулотлардан фойдаланишда уларнинг айтиб ўтилган ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш зарурлиги, бу эса, ўз навбатида, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда муҳим аҳамият касб этишини эслатмоқчимиз. Айрим махсулотларни истеъмол қилиш тартиби бузилса ҳам зарари таъсири юзга келаети. Мисол учун, газли ичимликлар оч қоринга бўлса-да, ширин мазаси учун анчанмуна ичиб қўйилади. Агар ундан бир-икки пилёнасини овқатдан кейин (кўнунча гўшти таомлардан кўпроқ ейилганда) ичилса, ҳазм жараёни энгил бўлишини сезиш қийин эмас. Гап шундаки, гўшти таомлар ошқозон-ичак тизимида муҳит реакцияси, яъни pH

кўрсаткичи ёки водород ионлари концентрацияси кислотали бўлса, энгил ҳазм бўлаети. Шунинг учун бундай ичимликларда ушбу кўрсаткич кислотали бўлгани боис, гўшти таомлар яхши ҳазм бўлишига олиб келаети. Кўпчилик, айниқса, ёш болалар ушбу ичимлик мазали ва ширин деб оч қоринга ҳам ичедди. Меъдада овқат бўлмаганида ичилганда улар кислоталилигини кучайтириб, ошқозон ва ичкаларнинг шиллик қаватини зарарлаши, емириши мумкин. Шунинг учун газли ва ширин ичимликларни оч қоринга ичиш тавсия этилмайди. Шифокорларнинг оголантиришича, қувватбахш ичимликлар қисқа муддатда организмга зарари таъсири кўрсата бошлайди. Лекин таркибиде ортофосфат кислотаси борлиги учун буни сезмайси. Масалан, 45 дақиқадан сўнгра дофамин ишлаб чиқарилиши ортиб, бош миёда роҳатланиш, қониқшиш марказини қўзғатади. 70-80 дақиқадан кейин ас таъсир қилиш вақти бошланиб, организмда ҳолсизлик юзга келаети. Қолаверса, энергетик ичимликлар асаб тизимини ишдан чиқараети. Рухий касалликларга чалиниш хавфи ортади, одамларда таъжубворлик кучаяди. Бугунги иссиқ кунларда бозор расталар келаети, айрим дўкнорлар ташқарисиде ёйиб ташланган газли ичимликларни совитиб ичиш ҳам саломатлик учун жиддий хавф туғдираети. Уларни чанқоқ босиш учун мунтазам ичиб юриш тавсия этилмайди. Тўғри ва соғлом овқатланиш инсон саломатлигини таъминловчи муҳим омиллардан бири бўлиб, унга амал қилиш даставвал ҳар кимнинг шахсан ўзига боғлиқ. Истеъмол қилинадиган озиқ-овқат махсулотларимиз қанда мўл-кўл бўлмасин, агар уларни қандай, қанда ва қачон ейишни билмасак, мақсадга мувофиқ бўлмайди, касалликлар келтириб чиқараети. Масалан, ёғли, гўшти овқатларини доим меъёридан кўп еб, шунга яраша жисмоний меҳнат қилмаслик семириш билан боғлиқ касалликларга олиб келиши мумкин. Бундай касалликларга мубало бўлиганида даққасият кишилар вақт етишмаслигини рўқча қилиб кўрсатади. Тез тайёр қилинадиган ҳозирги замон фаст-фудларидан доимий равишда фойдаланиш, газли, ширин ичимликлар доимий истеъмол қилиш билан, моддалар алмашинуви бузилиши туфайли организм захарланиши, ўз навбатида, айтиб ўтилган давр касалликларни келтириб чиқариши шубҳасиз. Бундай камчиликларни бартараф қилиш учун эса биз ўзимизда замонавий овқатланиш маданиятини шакллантириб, ҳар доим унга риоя қилишимиз керак.

МОЗИЙГА НАЗАР

Президентимиз ХХ асрининг 30-50-йилларидаги қатагон қурбонлари ҳақида фикр билдириб, бундай деган эди: "Қўриб турибдики, катта салоҳиятга эга етакчилар, олимлар, адиблар, шифокорлар, ўқитувчилар қатагон қилинган. Улар халқимизнинг энг сара вакиллари эди. Мустабид тузумга миллат кўзини очадиган, унга ўзлигини танитадиган зиёли инсонлар керак эмас эди. Уларнинг айби — буюк бўлгани".

Рустамбек ШАМСУДИНОВ, Андижон давлат университети тузилмасидаги Қатагон қурбонлари хотираси музейи директори, тарих фанлари доктори, профессор, Дилшодбек ХОМИДОВ, Андижон давлат университети тузилмасидаги Қатагон қурбонлари хотираси музейи катта илмий ходими

Ўзбек кино санъати асосчиларидан бири, илк ўзбек киноактери, сценарист, кинорежиссёр Сулаймон Умар ўғли Хўжаев ўша муҳим йилларда Ўзбекистон учун янги соҳа — кинематография йўналишида муваффақиятли фаолият юритган ва шу тўғрисида қатагонга учраган.

У 1892 йили Тошкентда туғилган. Шаҳардаги Кўкалдош, Абулқосим мадрасалари (1902-1912)да таҳсил олган. Кейинроқ ўғли Ҳамид Сулаймон билан бирга Москвадаги кинематография институтини (1927-1932) тамомлаган. 1910 йилдан жадидчилик ҳаракатининг илгор вакиллари билан бирга айланган. Тошкентда очилган илк жаҳид театри — "Турон" труппаси сахналаштирган спектаклларида роллар ижро этган. Беҳбудий мактабда ўқитувчилик қилган. "Турк аҳам марказияти" ва "Миллий истиқлол" ташкилотлари аъзоси (1917-1921) бўлган. У 1918 йил бозода бир гуруҳ тараққиёпарварлар билан Кўшон шаҳри ақинидаги қишлоқларда Туркистон мухториятини қўллаб-қувватлаш ва ташвиқот қилиш билан машғул бўлган.

Сулаймон Хўжаев ХХ аср 20-йиллари иккинчи ярми — 30-йиллари бошларида яратилган "Работ қашқирлари", "Чачон", "Сўнгги бек", "Авлиё қизи", "Тонг олдидан" каби дастлабки ўзбек фильмларида актёр, сценарий муаллифи, режиссёр ассистенти ва режиссёр сифатида иштирок этган. Жиззах кўзғолони бағишланган "Тонг олдидан" фильмида 1916 йилги халқ исёнининг

БИРИНЧИ ЖАДИД КИНОРЕЖИССЁР

Қатагонга учраган Сулаймон Хўжаевнинг ҳаёт йўли

шафқатсиз бостирилишини ҳаққоний тасвирлаган. Асарда ўзини овозсиз кинонинг барча тасвирий-эмоционал имкониятларидан моҳирона фойдалана олувчи, монтаж санъатини пухта эгаллаган етук ижодкор сифатида намоён этган. У навбатдаги "Умар ҳукмдорлик қилган давлат" фильми устида ишлаётган пайтда ҳибсга олинади.

Франция Илмий тадқиқотлар миллий маркази ходими, тарих фанлари доктори Хлоя Дриё (Cloé Drieu) шоир ва таржимон Санжар Янишевга берган интервьюсида С.Хўжаев фаолияти ва тақдир ҳақида кўндалма кўндал фикрлар билдирган: "Иккинчи жаҳон урушига қадар Ўрта Осиё республикалари орасида фақатгина Ўзбекистонда миллий режиссёрлар бўлган. Урушгача даврда ўзбек режиссёрлари атиги икки киши эди. "Юксалиш" (1931), "Рамазон" (1933), "Ингит" (1935) фильмлари, шунингдек, урушдан кейин жуда машҳур бўлган "Тоҳир ва Зухра" (1945) фильми муаллифи Наби Ғаниев ва Сулаймон Хўжаев — дастлабки ўзбек режиссёрлари. С.Хўжаевнинг 1916 йилги

учун ҳаётини фидо қилди. Унинг тақдирини совет қурилиши йўлини танлаган ва Сталин қатагонларида қурбон бўлган жадидлар биринчи авлодининг тарихидир. У ўз фильмида тарихий воқеаларнинг бу вақтга келиб, айтиш мумкинки, оммабоп бўлмаётган версиясини тақдим этган эди".

Оқибат совет маъмури С.Хўжаевни жисмонан маҳв этишга қарор қилди. У 1934 йили Тошкент шаҳрида ҳибсга олинди. Уни айбаш учун "Ўзбекино" кинофотокорхона



қўзғалон ҳақидаги "Тонг олдидан" деб номланган ягона фильми ҳеч қандай бир марта ҳам намойиш этилмаган. Фильмининг катта экранларга чиқарилмаганига режиссёр 1916 йилги кўзғалонни миллий-озодлик ҳаракати сифатида акс эттириб, уни россиялик инқилобчиларсиз кечган халқ ҳаракати сифатида талқин қилгани сабаб бўлган. Режиссёр ҳам тарихчилар каби архивларни ўрганган. Ўзи (қўзғалон пайтида 20 ёшда бўлган) ҳамда кўзғалон иштирокчилари хотираларига таянган. Бу фильм бугунги кунда муаллифлик кинематография деб аталадиган картиналарга жуда ўхшаш: Хўжаев нафақат режиссёр, балки ҳам сценарист, ҳам актёр бўлган.

Фильмни суратга олиш, бош ролни ижро этиш ва экранда ўлиш — ХХ асрининг 30-йиллари учун жуда дадил қадам. Хўжаев бу фильмга умрини бағишлади ва шу фильм

наси ҳуқуқий маслаҳатчининг "Тонг олдидан" фильми ҳақидаги кўрсатмалари асос бўлди. Бироқ бу С.Хўжаевни жисмонан маҳв қилиш учун етарли эмас эди. 1935 йил 31 январдаги судда гувоҳ: "Биз кўчада кетаётганимизда Кировнинг ўлими ҳақидаги хабарни эшитдик, шунда Хўжаев "Бачагагарларнинг кўли каттасига етмабди-да" деди, мен унинг Сталинни назарда тутганини тушундим", деб гувоҳлик берган.

Сулаймон Хўжаев ўзи эса терговда: "1934 йилнинг 1, 2, 3 декабрь кунлари профессор Фитрат билан учрашдим. Унинг яшаш уйига бориб, "Умар ҳукмдорлик қилган давлат" фильми сценарийи устида ишладик. 2 декабрь кун соат 3 ларда уйимга келган юрист-консултант билан айрим жумлаларни рус тилига таржима қилдик. У мендан Кировнинг ўлими ҳақидаги газета



хабарларини ўқиганим ҳақида сўради. Мен унга қотиллар, албатта, қўлга олинади, деб жавоб бердим", дейди.

Бошқа бир гувоҳ судда С.Хўжаевни СССР раҳбарларидан бири бўлмиш В.В.Куйбишевнинг таширифини (В.В.Куйбишев 1934 йил ноябрда ВКП(б) МК Сийёсий бюросидан Ўзбекистонда "Бой-қулоқлар қаршиликка қарши кураш" бўйича сийёсий комиссия тузилишига эришган ва ўзи шу комиссия таркибига кирган. Сийёсий комиссия энг олий жазагача бўлган жазоларни тайинлаш ва тасдиқлаш ҳуқуқига эга бўлган) 1916 йилги кўзғалон вақтида келган А.Н.Куропаткиннинг жазо экспедициясига ўхшатганини, "одамлар пахта планини бажармагани учун ҳибсга олинмоқдалар, ҳатто отиб ташланмоқдалар", деганини айтган. Судда унга Франциядаги демократик жараёнларни мақташ, у ердаги партиялар билан совет давлатидати партияни таққослаш орқали "давлат сийёсатини образилантирган" деган айбловлар қўйилган.

Шундай бўлса-да, 1935 йил 2 февраль кун унга 2 йиллик синов муддати белгилашда Кировнинг ўлими ҳақидаги хабарни эшитдик, шунда Хўжаев "Бачагагарларнинг кўли каттасига етмабди-да" деди, мен унинг Сталинни назарда тутганини тушундим", деб гувоҳлик берган.

Сулаймон Хўжаев ўзи эса терговда: "1934 йилнинг 1, 2, 3 декабрь кунлари профессор Фитрат билан учрашдим. Унинг яшаш уйига бориб, "Умар ҳукмдорлик қилган давлат" фильми сценарийи устида ишладик. 2 декабрь кун соат 3 ларда уйимга келган юрист-консултант билан айрим жумлаларни рус тилига таржима қилдик. У мендан Кировнинг ўлими ҳақидаги газета

тайёрлаш билан боғлиқ тadbирлардан норози экани гувоҳлар ва айбланувчининг айрим иқроллари билан иботлангани ҳақида ёзилган.

Дастлабки суддан 25 кун ўтгач, ЎзССР Олий суди махсус коллегияси уни 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилади. У жазо муддатини Ўрта Осиё лагерининг Тошкент вилоятидаги "Малик" совхозида ўтайди.

С.Хўжаев Ўрта Осиё меҳнат лагеридида оғир шaroитда машаққатли ҳаёт кечираётган инсонларни бирлаштишга ундаган. Улар кичик гуруҳларга бўлиниб, ақилларидан келган озиқ-овқатни баҳам кўрганлар, ўртада пул тўплаб, овқат тайёрлаганлар. Чунки лагер овқати оз, тўйимсиз, ёқимсиз бўлган. Гуш етказиб бериш яши бўлмаган ва унинг ўрнига сабзавот микдори оширилиши зарур, деб топилган. Боз устига, сабзавотлар ҳам кам ажратилган. Бошқа лагерларга қараганда, Ўрта Осиё меҳнат-тузатув лагеридида ўлим даражаси юқори бўлган. С.Хўжаев лагерда Мансурбек Худоберхон (Қўқоннинг сўнгги хони Худоберхоннинг набираси), Туроббек Кўчқоров, Миркомил Миршароф, Ҳибзиддин Ҳасанов, Мажид Нишонов, Муҳиддин-хўжа Турсунхўжаев отув жазосига ҳукм қилинади. Ҳукм 20 август кун ижро этилади.

ЎзССР Олий судининг Сулаймон Хўжаевни айбдор деб топиш тўғрисидаги 1935 йил 25 апрелдаги ҳукми 1957 йил 30 декабрда бекор қилинади ва у реабилитация этилган. 1958 йил 12 февраль кун Ўзбекистон баш прокурори Ўринбосари, адиб катта маслаҳатчиси П.Колейко Ҳамид Сулаймоновнинг аризасига кўра, С.Хўжаев ва у билан қатагон қилинган кишиларга оид ИИХК "учлиги"нинг 1937 йил 14 августдаги қарори бўйича шикоят протести қиритган. Натijaда 1958 йил 20 февралда Ўзбекистон ССР Олий суди юқоридати қарорини бекор қилиб, айбдор деб топилган шахсларни реабилитация қилган.

Қисқа вақт умр кўрган С.Хўжаевнинг буюк ишларини унинг авлодлари, оила аъзолари давом эттирди. Ўғли Ҳамид Сулаймон, келини Фозила Сулаймонова, набираси Рустам Сулаймонов ва бошқа авлодларнинг ҳаёти ҳамда ватанимиз тараққиёти йўлидаги хизматлари ҳақида алоҳида китоб ёзма арзийди. Мақолани севимли адиб Ёса Муроднинг ушбу жумлалари билан якунлашни маъқул билдик:

"Юлдузим ҳали ёнади! Давраларини ҳали давом этади! Невараларин давраларда: — Ё, бобомнинг пири! — дея айқириб-айқириб олиша беради! ЮЛДУЗИМ МАНГУ ЁНАДИ!"

ШУКУХ

Одатда, бахтли бўлиши учун аёл кишига кўп нарса керак эмас, дейилади. Яна айтиладики: ширин сўз, эътибор ва бир донга гул унга кифоя, ҳар қандай қимматбахо совға буларнинг олдидан ўтаверсин. Аммо аёл кишига яна бир нарса керак — бўш вақт. Таниқли шоирамиз Зулфия Мўминова "Аёлга бахт беринг, муҳаббат беринг!" дея тўлиб-тошиб ёзган эди. Бугунги тезкор даврда улар учун вақт ҳам катта аҳамиятга эга.

Иш, ўқиш, уй юмушлари, фарзандлар тарбияси билан андармон бўлган одам қачон ўзига вақт ажратса? Гўзалликка, тафаккур ва билимга эътибор қаратиш учун вақт кераклиги ҳам бор гап.

Болалар чақалоқлигида бешик ё беланчада ухлайверди. Шу пайтда оналар ўзи учун бир оз бўлса-да вақт топиши мумкин. Бола атак-чекак қилиб юришни бошладими, бир ондада бир киши унга парвона бўлиши шарт. Дунёни баш қилиш этишга отланган "сайёҳ" энди болалар хонасига сигмай меҳмонхона, ошхона, ҳовли ва кўчага интилади. Жажжи оёқчалари кучсиз кўрингани билан бир зум чалғисангиз, пилдирганча аллақанча жойга кетиб қолади.



Аёлга вақт беринг Янги боғчалар оналарга яқин кўмакчи бўлади

Яна денг, бувилару оналаримизнинг гапига қараганда, бугунги болалар жуда шўх, жисмонан ўта фаол, ақдан етук. Ун ўғил-қизни ўстириб, элга қўшган кайвони ҳам бугунги болакайга бир соат энаглик қилишга қийналиб қолади. "Замонасига яраша-да, унингга бугун тўлгулар", деб қўяди момоларимиз неварачевараларига масрур боқаркан.

Шунча масала турганда бир савол ўртага чиқади: нима қилмоқ керак? Жавоби ҳам аслида, оддий: болаларни мактабгача таълим ташкилоти, халқона айтганда, боғчага

бериш керак. Бугун болаларни қабул қилиш шаффоф тизимга ўтказилди.

Давлатимиз томонидан мактабгача таълим ташкилотлари сони ва сифатини ошириш бўйича тизимли ишлар олиб боришмоқда. Охириг етти йилда тизимда қамров даражаси 27 фойздан 74,6 фойзга кўтарилди. Келгуси беш йилда буни 80 фойзга етказиш мақсад қилинган. Шу билан бирга, таълим-тарбия мазмуни ҳам муҳим. Бу ўқув-методик қўлланмалар таъминоти, тарбиячилар салоҳияти, янгича ёндашувлар каби кўп омилларни талаб этади.

Жорий йилнинг 4 сентябрь кун Президентимиз мактабгача таълимни ривожлантириш, иқтидорли ёшлар билан ишлаш тизimini тақомиллаштириш бўйича тақлифлар тақдироти билан танишди. Унда мактабгача таълим сифати ва самардорлигини оширишга қаратилган тақлифлар кўриб чиқилди.

Бугун қамровни кенгайтириш мақсадидида хусусий боғчалар фаолиятига кенг йўл очилди, қатор имтиёзлар берилмоқда. Биргина Тошкент вилоятининг ўзида бугунги кунда 1736 та хусусий боғча ишлаб турганини таъкидлаш жоиз. Натijaда давлат мактабгача

таълим ташкилотларига тушадиган босим камайиб, ота-оналарни ўйлантирадиган навбатга қўйиш масаласи енглил ҳал қилинади. Таъкидлаш керакки, қамров даражаси 72,3 фойзга етказилди. Йил охирига қадар бу кўрсаткич 78 фойзга оширилади. Эътибор беринг, бугунги кунда вилоятда 2318 та мактабгача таълим ташкилоти фаолият юритиб,

унда 165 минг 390 нафар ўғил-қиз тарбияланади.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 33 йиллиги арафасида Тошкент вилоятида 33 та янги мактабгача таълим ташкилоти фойдаланишга топширилди.

— Ўрта Чирчиқ туманидаги Мингтепа маҳалласида яшайман. Кўпинча қўшниларимнинг "Болаларнинг боғча навабти келишини кутаями. Барибир, боғчага борган бола кўп нарса ўрганади-да. Мунтазам тарбиячилар назоратиди бўлади", деган гапларини эшитиб қолардим. Уйлаб қарасам, уйимизда оилавий мактабгача таълим ташкилоти очини учун етарли шaroит бор экан. Ҳаракат қилиб, шу ишга қўл урдим. Натija ёмон эмас, айна пайтда боғчамизда 2 нафар тарбиячи 25 нафар бола билан машғул. Ота-оналар ҳам миннатдор, — дейди тadbиркор Нигора Кашапова.

Ишонимизки, болаларини ишончли қўларга топширган опа-сингилларимиз бўш вақтдан унумли фойдаланади. Бу миллатнинг аёллари тарихда нафақат назоқатли нафосати, шу билан бирга, китобхонлиги, илм-маърифати билан ҳам донг таратган.

Янги боғчалар кўпайётгани ҳақидаги қувончли хабарга биз ҳам шерикимиз.

Отабек БАКИРОВ, ЎЗЖОКУ талабаси



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари тахририяти ДМ МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вазиrлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Колограк" МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридидаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма — 3063. 41369 нусхада босилди. Ҳажми — 3 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

"Колограк" МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060. Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй. Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Беккул Эгамқулов Мусахҳи: Шерзод Маҳмудов Дизайнер: Зафар Рўзиев Манзилими: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй